Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1999 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

29 октябр, №44 (3530)

ДЎСТ БОШГА ИШ ТУШГАНДА БИЛИНАДИ

Ўзбекистон маданият ва жамоат арбобларининг баёноти

28 октябр куни Тошкентдаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон жамоатчилиги вакиллари, таниқли фан ва маданият арбоблари, республика ижодий уюшмалари, миллий-маданий марказларнинг раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ён қўшнимиз бўлган Қирғизистон жанубида кейинги уч ой давомида рўй берган нохуш воқеалар ва уларнинг оқибатлари атрофлича таҳлил қилинди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Ойдин Ҳожиева, адабиётшунослар Иброҳим Ғафуров, Аҳмаджон Мелибоев, академиклар Бўрибой Аҳмедов, Тўхтамурод Жўраев, Ўзбекистон халқ артистлари Зикир Муҳаммаджонов, Гулчеҳра Жамилова, Ғуломжон Ёқубов, Абдуҳошим Исмоилов, таниқли журналист Зиёд Есенбоев, кинорежиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Шуҳрат Аббосов, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг раиси Рустам Абдуллаев ва бошқалар йиғилишда сўзга чиқиб, мазкур воқеалар муносабати билан одамларни ўйлантираётган, афсус ва хавотирга солаётган масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Йиғилишда мустақил Қирғизистон ҳудудига сурбетларча бостириб кирган, бегуноҳ одамларни ўлдириб, мол-мулкини талаган, диний ниқоб кийган террорчи тўдаларнинг тўла яксон қилинмаганига, бунинг ўрнига улар билан турли мулоқотлар олиб борилганига таассуф билдирилди. Бундай воқеалар яна такрорланиши мумкинлигидан кенг жамоатчилик ташвиш тортаётганини, бунга асло йўл қўймаслик учун барча тегишли чора-тадбирлар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилиш сўнгида Ўзбекистон маданият ва жамоат арбобларининг баёноти қабул қилинди.

Қуйида ана шу баёнот матни эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Қирғизистон жанубидаги воқеалар нафақат қирғиз халқининг, балки, бутун Марказий Осиё халқларининг бугунги ҳаётида из қолдирган ёвуз кучларнинг намойиши бўлди. Агар бу воқеаларни дунёдаги бошқа шу каби жараёнлар билан боғлиқликда олиб қарасак, уларнинг Чеченистон, Доғистон, Тожикистондаги хунрезликлар, Афғонистонда қарийб йигирма йилдан буён давом этаётган биродаркушлик уруши билан бевосита алоқадор эканини англаш қийин эмас.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Москвада нашр этиладиган «Время МН» газетасига берган интервьюсида таъкидлаганидек, бугунги кунда халқаро терроризм диний экстремизм марказлари билан бирлашиб кетди. Чунки террорчиларга одамларни алдаш, ҳали дунёқараши шаклланиб улгурмаган, ҳаёт тажрибаси етарли бўлмаган ғўр ёшларни чалғитиш ва ўз сафларига тортиш учун албатта диний ниқоб керак. Лекин бугун ҳеч кимга сир эмаски, экстремистлар ва уларнинг ортида турган, катта куч ва имкониятларга эга хориждаги марказларнинг асосий ва пировард мақсади — Марказий Осиё ва Кавказда жойлашган, аҳолисининг аксарият қисмини мусулмонлар ташкил этадиган минтақаларда яшайдиган халқларни ўз танлаган йўлидан, яъни бутун дунё қадам қўяётган тараққиёт, эркинлик ва муносиб ҳаёт қуриш йўлидан қайтаришдир.

Бунинг учун бу кучлар ҳар қандай ниқоблардан фойдаланмоқда, биринчи галда зўрлик-зўравонлик, куч ишлатиш, одамларни гаровга олиш, қўпорувчилик, ғоявий бузғунчилик воситасида ўрта асрларда ҳукм сурган тартибларни ўрнатишни кўзламоқда.

Қисқа қилиб айтганда, уларнинг асосий мақсади ана шундан иборат. Шу боис бугун террорчилик ва диний экстремизм хавф солиб турган минтақаларда яшаётган ҳар бир инсон, барчамиз эртанги кунимизга, фарзандларимиз тақдирига асло бефарқ қарамаслигимиз керак. Улар эртага қандай давлатда, қандай шароитда яшайди, ким уларнинг ҳаётини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади — болаларнинг бахту саодати ҳақида қайғурадиган ҳар бир инсон бу хусусда жиддий ўйлаши зарур.

Биз ўз уйимизни, она юртимизни турли ёвуз кучлар, турли бало-қазолардан асраш, ота-боболаримиз ҳоки ётган мана шу тупроқнинг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз керак. Ватан, миллатнинг ор-номуси, халқнинг ғурурини ҳимоя қилиш йўлида мустаҳкам эътиқод, собит ирода билан мардона туриш — бугунги куннинг энг долзарб вазифаси, барчамизнинг виждоний бурчимиздир.

Агар шу нуқтаи назардан Қирғизистон жанубидаги воқеалар ҳақида фикр-мулоҳаза юритадиган бўлсак, бу ерда юритилган сиёсат ва баъзи хатти-ҳаракатлар кишини ўйга толдиради.

Мустақиллик эълон қилган ҳар қандай давлат ва унинг раҳбарияти ана шу мустақилликни мустаҳкамлаш, халқи учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш мақсадида ўзига мақбул сиёсат олиб бориши табиийдир. Шу муносабат билан Ўзбекистон давлати ва жамоатчилиги Боткендаги воқеалар пайтида Қирғизистон раҳбарияти кўрган сафарбарлик ҳаракатини, армияни мустаҳкамлаш, унинг сафларини кенгайтириш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, биринчилар қаторида қирғиз халқига елкадош бўлишини изҳор қилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлигига йўллаган нотасида Ўзбекистон Қуролли Кучлари қардош Қирғизистоннинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларининг дахлсизлигини, аҳолисининг тинчлик ва осойишталигини бузишга уринган ҳар қандай тажовузни бартараф этишда ёрдамга келишга тайёр эканини билдиргани ҳам бу фикрнинг тасдиғидир.

Шуни яна бир бор таъкидлаш керакки, кўпни кўрган, мард қирғиз халқи уч ой давом этган бу нохуш воқеалар мобайнида ўзининг қатъиятини, юртига сурбетларча бостириб кирган босқинчи тўдаларга муносиб зарба беришга, бундай ҳолатларга узил-кесил нуқта қўйишга қодир эканини изҳор этди ва амалда кўрсатди.

Қисқа давр ичида кўп синовлардан ўтган кишилар, афғон урушининг қатнашчилари, ҳарбий таълим кўрган йигитлар, овчи-мерганларнинг қўлига қурол олиб Ватани ҳимояси учун отланганлари бунинг далилидир.

Лекин бу ҳаракатларнинг натижаси нима билан тугагани барчамизга аён.

Мамлакатининг тупроғини топтаган, бегуноҳ одамларни ўлдириб, мол-мулкини талаган, минглаб аҳолини қувғин қилиб қочоққа айлантирган манфур душманларни ер билан яксон қилиш ўрнига фақат уларни сиқиб чиқариш сиёсатини маъқул кўрган Қирғизистоннинг раҳбар доиралари мараз жангарилар, жирканч одамкушлар билан мулоқотга киришгани ҳар қандай аҳли расо кишини таажжубга солади.

Ваҳоланки, халқаро қоида ва меъёрларга биноан, хусусан, БМТ 1994 йилда қабул қилган халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисидаги декларацияга мувофиқ ва бутун дунё эътироф этган халқаро андозаларни тан олган ҳолда, ҳар қандай кўринишдаги — хоҳ сиёсий, хоҳ ғоявий, хоҳ диний ниқобдаги террорчилар ҳаракати қонунга зид деб баҳоланиши ва бартараф этилиши зарур. Бундай ҳаракатларнинг иштирокчилари эса қонунга биноан муқаррар суратда жазоланиши керак.

Ўз Ватани тупроғига бостириб кирган, фуқароларини гаровга олган ёвуз тўдалар етказган барча моддий ва маънавий зарарни тўғри баҳолаш ва босқинчиларга шунга яраша қақшатқич зарба бериш ўрнига жангариларнинг орқага қайтиши учун йўл очиш, улар билан музокаралар олиб бориш, яъни содда қилиб айтганда, уларни силабсийпаб изига қайтариб юбориш ҳеч қандай халқаро қоидаларга тўғри келмайди.

Халқаро тажриба ва кўп жойларда террорчиларга қарши олиб борилаётган кураш шуни исботлайдики, террорчи тўдаларга ён бериш, улар билан хуфиёна тил бириктириш, уларнинг талабларига кўниш — охир-оқибатда аянчли натижаларга олиб келиши муқаррар.

Албатта, гаровга олинган одамларни қутқариш ўз йўлига, лекин террорчилар билан музокарага киришиш — бу соғлом ақл тушунниши ва қабул қилиши қийин бўлган бир ҳолатдир.

Бу воқеаларнинг яна бир ажабланарли жиҳати шундаки, Ўзбекистон халқи ва жамоатчилиги Қирғизистонни энг яқин қўшниси, абадий дўстлик ҳақидаги шартнома билан тақдирини бир-бирига боғлаган биродари, деб билади. Бугун эса ана шу боқий дўстликка аҳд қилган давлат ва унинг раҳбарияти Ўзбекистондан қочиб кетиб дарбадар юрган, халқимизнинг нафрати ва тавқи-лаънатига дучор бўлган қотиллар, халқаро «Интерпол» ташкилоти қидирув эълон қилган ашаддий жиноятчилар, ўз Ватанига қарши қўл кўтарган, ўз юртига жабру ситамлар ўтказган маразлар билан муомала аллақачон амалга оширилган ва давом эттириб келинаётган хайрли ишлар, хусусан, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси амалга ошириб келаётган тадбирлар негадир эътибордан соқит қилинган ҳолда фикр юритилади. Ажабланарлиси шундаки, ҳазрат Алишер Навоийнинг «Фард киши даврда топмас наво, Елғиз овучдан ким эшитмиш садо» мисралари «Алишер Навоий айтганидек, бир қўл билан қарсак чалиб бўлмайди» тарзида ишлатилган. Наҳотки, улуғларимиз ижодига ҳурмат шундай бўлса? Ахир, Навоий бобомиз бу ажойиб мисралари билан эл-улусни ҳамжиҳатликка ва биродарликка даъват этаётир-ку!

Ёзувчилар уюшмасида ижодкорларнинг бугунги адабий ва ижтимоий жараёнлар, минтақа атрофида кечаётган воқеаларга муносабати мавзуида йиғин бўлди. Фаоллар иштирокидаги йиғинни Ёзувчилар уюшмаси раиси, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси вице-президенти Абдулла Орипов очиб, ижодкорларнинг атрофимизда кечаётган жараёнларга муносабати жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Халқ ёзувчилар фикрига, уларнинг юз бераётган, воқеа-ҳодисаларга билдираётган муносабатларига кўпроқ қизиқади ва ишонади, деди. Айтайлик, Қирғизистон жанубига бостириб кирган террорчиларнинг босқинчиликларини биз ҳаммамиз қоралаймиз. Ва бу ҳақда барчамизнинг фикримиз қатъий: жангариларга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмаслиги керак эди. Соғлом мантиқ тақозоси шундай.

Хўш, бугун ортига қайтариб юборилган террорчилар эртага яна бир бошқа ҳудудда ўзларининг ёвуз ниятларини амалга оширмайдилар деб ким кафолат беради? Ҳеч ким! Шундай экан, биз ўз суверенитетимиз, чегараларимиз дахлсизлигини ҳимоя этаётиб, бир-бирига қондош ва жондош, дўст ва биродар халқларнинг тинч ва осойишталигини ҳам эътибордан соқит қила олмаймиз. Чунки Туркистон халқлари қадимқадимдан тақдирдош ва елкадош бўлиб келишган. Уларнинг бирига қилинган тажовуз бошқасига ҳам қилинган тажовуз сифатида тушунилиши ва баҳоланиши зарур.

Бироқ айрим қўшни ҳудудларда бу воқеалар, хусусан, Қирғизистон жанубида юз берган террорчилик ҳаракатлари хусусида бир ёқлама, тор, баъзан эса эътиборсизлик, лоқайдлик, ҳатто масъулиятсизлик билан баёнот берилаётганлиги ҳам қулоққа чалиниб қолаётир.

Матбуот саҳифаларидан маълумки, Остона шаҳрида бўлиб ўтган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Ўзбекистон фан ва маданият арбобларининг халқаро анжуманида халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар янада ривож топиши кераклигини қайта-қайта уқтириб ўтган Қозоғистон Президенти маърузасида бу борада аллақачон амалга оширилган ва давом эттириб келинаётган хайрли ишлар, хусусан, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси амалга ошириб келаётган тадбирлар негадир эътибордан соқит қилинган ҳолда фикр юритилади. Ажабланарлиси шундаки, ҳазрат Алишер Навоийнинг «Фард киши даврда топмас наво, Елғиз овучдан ким эшитмиш садо» мисралари «Алишер Навоий айтганидек, бир қўл билан қарсак чалиб бўлмайди» тарзида ишлатилган. Наҳотки, улуғларимиз ижодига ҳурмат шундай бўлса? Ахир, Навоий бобомиз бу ажойиб мисралари билан эл-улусни ҳамжиҳатликка ва биродарликка даъват этаётир-ку!

Шу маърузада Марказий Осиё халқларининг улуғ арбоблари номлари санаб ўтилган бир жой ҳам бор. Унда жумладан «Қирғиз-Қалиғул (?), тожик — Садриддин Айний, туркман — Махтумқули, ўзбек — Муқимий, қорақалпоқ — Бердақ, қозоқ — Абай» тарзида фикр билдириб ўтилган. Муқимий домланинг маърифатпарвар шоиримиз сифатида ниҳоятда қадрлари юксак. Модомики, гап тарихий бирлик ҳақида, ана шу бирликни мустаҳкамлаш, кечмишимизда халқларимизнинг бошини қовуштирган улуғ сиймоларимиз ҳақида кетаётган экан, тарихнинг ўзига теранроқ назар солиш, Навоий ва Яссавийлар билан бирга Абдураҳмон Жомий, Имом Бухорий ва Рудакий сингари буюк боболарни тилга олиб, уларнинг умуммаданиятимиз тарихида қолдирган улуғ ишларини ҳам айтиш мумкин эди.

Фаоллар йиғинида шу мавзуда фикр юритган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов «Туркистон — умумий уйимиз» руҳи билан ташкил топган Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси амалга ошираётган ишлар ушбу маърузада эътибордан соқит қилинганига таассуф билдирди. Ўзбекистон ҳукумати Ассамблеяга жой ва ўн миллион сўм маблағ ажратди. Қозоғистонга келсак, шуни айтиш керакки, узоқ вақт, салкам бир йил мобайнида Ассамблеянинг Қозоғистон бўлими Низоми турли баҳоналар билан Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланмай ва у бўлим рўйхатдан ўтказилмай келди, деди.

Ҳозир бўлим рўйхатдан ўтказилган, Низом ҳам тасдиқланган, бироқ Қозоғистон ҳукумати уни моддий жиҳатдан қўллаш учун бир танга ҳам ажратгани йўқ. Ўзбекистон ҳукумати ажратган ўн миллион сўм маблағ бугун анча-мунчага кўпайди. Бордикелдиларимиз ва ўтказаётган турли тадбирларимиздан ташқари икки йилдан буён Ассамблеянинг беш тилда нашр этиладиган «Марказий Осиё маданияти» газетасини чоп этиб келмоқдамиз. Яқиндан бошлаб беш тилдаги бу газета ҳар бир тилда алоҳида-алоҳида нашр этила бошлади. Эндиликда нашриёт очиб, Марказий Осиё халқлари адиблари ва олимларининг энг сара асарларини китоб ҳолида нашр этишни мўлжаллаб турибмиз. Остонада бўлган анжуманда Ассамблея маданиятларимиз қардошлигини равнақ топтириш борасида амалга ошираётган ана шу ишлар ҳақида бирор сўз эшитмадик. Қайтанга яна бир шундай марказ тузиш, Марказий Осиё халқлари учун бир журнал чиқариш ҳақида таклифлар бўлди.

Ўз навбатида биз ҳам анжуманда айрим масалалар юзасидан ўзимизнинг жиддий фикрларимизни айтишимиз керак эди. Шундай қила олмаган бўлсак-да, делегациялар учрашувида қабул қилинган биргаликдаги ҳужжатимизда маданият арбобларини бирлаштиришга доир яна бир марказ тузиш тўғрисидаги бандни тушириб қолдирдик. Мавжуд ассамблеянинг ўзини кучайтириш зарурлигини билдирдик.

Ўзбекистон халқ ёзувчилари Пиримқул Қодиров, Ҳамид Ғулом, Иброҳим Раҳим, шоир Мирпўлат Мирзо, «Марказий Осиё маданияти» газетаси бош муҳаррири Анвар Жўрабоев тилга олинган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини айтдилар. Жумладан, Ҳамид Ғулом ўз сўзида Алишер Навоий бобомизнинг ҳикматли мисралари ўзгача талқин этилгани, жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган тенгсиз даҳоларимиз ўз ўрнида тилга олинмагани, машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов президентлик қилаётган, Ўзбекистон ҳукумати томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинаётган Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси фаолияти эътиборга олинмаганидан таассуф билдирди. Иброҳим Раҳим ҳам шу ҳақда фикр юритиб, бундай бир ёқлама қарашларга нисбатан биз ҳам ўз мулоҳазаларимизни айтиб туришимиз керак, деди.

Анвар Жўрабоев ўз сўзида, Боткен масалаларига Назарбоев муносабат билдирмаганини, минтақага сиёсий терроризм хавф солаяпти деганини мен сираям тушунмадим, деб таъкидлади. Шунингдек, маданиятлар бирлигига интилиш ҳар бир зиёлига, айниқса юксак мартабали раҳбарга қардош халқлар маданиятини чуқур билиш маъсулиятини ҳам юклайди, деди у. Аммо Қозоғистон Президенти маърузасида бу нарса кўзга яққол ташланмади. Мирпўлат Мирзо суҳбат иштирокчиларининг фикрларини давом эттирди. У Остонадаги учрашувларнинг мақсадларини таъкидлаган ҳолда юқорида айтиб ўтилган маърузада дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлаш юзасидан қилинаётган ишларни эътироф этиш ўрнига нутқий жозибага интилиш кучли бўлганини, кўп ҳолларда эса қардошларимиз демократияни жуда жўн тушунаётганларига эътиборни қаратди.

Фаоллар йиғини сўнггида уюшма раиси Абдулла Орипов ижтимоий-сиёсий жараёнлар қизғин тус олган, воқеа-ҳодисалар шиддати тез кечаётган XXI аср бўсағасида Марказий Осиё ёзувчи ва зиёлилари, маданият арбобларининг умумминтақа хавфсизлиги ва тараққиётига даҳлдор масалаларда якдил ва ҳамжиҳат, ҳамфикр, кечаётган жараёнларга холис муносабатда бўлишлари умумий тараққиёт ва истиқболимиз учун ниҳоятда зарурлигини таъкидлади.

М. АБДУЛЛАЕВ

ДЕПУТАТЛИК ИМТИЁЗ ЭМАС

Сайлов тараддуди

Мамлакат Президенти, парламенти ва маҳаллий кенгашларга сайловлар яқинлашган сайин сайловчиларнинг депутатлик моҳиятини идрок этиш, англаш, қайта-қайта мушоҳада этиш жараёнлари ҳам кўчаймоқда. Бу кўплаб номзодлар орасидан энг муносибларини танлаш жараёни ҳамдир. Чунки демократик сайлов талабларига кўра кўпчилик ана шу ўзлари танлаган номзодга овоз беради. Овоз беришнинг масъулияти ва моҳияти ҳам шундаки, одамлар ўз овози билан депутатга қандайдир имтиёз яратмайдилар. Балки депутатни ўзларининг Олий Кенгаш ёки маҳаллий кенгашлардаги вакили сифатида сайлайдилар.

Шу нарса сир эмаски, бурунги сайловларда депутатни уни сайлаган одамлар номидан иш кўрувчи халқ вакили сифатида эмас, қандайдир алоҳида имтиёзларга эга, оғзи билан буюриб иш бажарадига, битмай ётган қандайдир ишларни ҳукми билан ёки масала кўтариб битиртириб берадиган, ҳаммаёққа қўли, ҳамма ишга қурби етадиган шахс сифатида кўпроқ тасаввур этиларди. Ҳамзанинг бурунги сайловлар таърифида ёзган ҳажвий асари ҳам шўро даври сайловлари дастлаб қандай ўта бошлаганига бир ишора эди. Кейинчалик эса шўро даври сайловлари юқоридан туриб бир номзодни кўрсатиш ва уни одамлар томонидан ёппасига овоз бердириш орқали сайлаш билан амалга ошириб келинди. Бир депутатлик ўрнига бир неча номзод кўрсатиб, улар ичидан энг муносибини сайлаш имконияти эса мутлақо берилмасди. Депутат қилиб сайланган одамнинг эса иши юришгандан юришиб, гоҳида ўзи овоз берган сайловчиларни менсимай қўйиш даражасига ҳам бориб етарди.

Яхшиямки, мустақиллигимиз шарофати билан сайловчи ва депутат ўртасидаги бундай ғайритабиий муносабатлар, сайловга муносабат бутунлай эскирди. Биз мустақиллик йилларида демократик сайловнинг барча фазилат ва имкониятларига эга бўлдик. Ҳатто бугунги сайловнинг ўзи ҳам бундан беш йил аввалги сайловларимиздан кўрсатлаётган номзодлар ва сайловчиларнинг фаоллиги ошганлиги билан фарқланади. Депутатликнинг моҳиятини тўғри англаш, мушоҳада этиш жараёнларидаги сифат ўзгаришлари мустақиллик самараларидан тўкис баҳраманд бўлаётган халқимизнинг ўз келажагига катта масъулият билан қарай бошлаганидан далолатдир.

Шуни айтиш керакки, кўпчиликнинг ишончини қозонишга интилиш инсоннинг асл табиатида бор. Бироқ кўпчиликнинг ишончини қозониш учун саъй-ҳаракат кўрсатаётганлар ҳам турли дунёқараш, турли характер ва инсоний сифат-

(Давоми 2-бетда)

АДИБЛАР ЙИҒИНИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида

Шу маърузада Марказий Осиё халқларининг улуғ арбоблари номлари санаб ўтилган бир жой ҳам бор. Унда жумладан «Қирғиз-Қалиғул (?), тожик — Садриддин Айний, туркман — Махтумқули, ўзбек — Муқимий, қорақалпоқ — Бердақ, қозоқ — Абай» тарзида фикр билдириб ўтилган. Муқимий домланинг маърифатпарвар шоиримиз сифатида ниҳоятда қадрлари юксак. Модомики, гап тарихий бирлик ҳақида, ана шу бирликни мустаҳкамлаш, кечмишимизда халқларимизнинг бошини қовуштирган улуғ сиймоларимиз ҳақида кетаётган экан, тарихнинг ўзига теранроқ назар солиш, Навоий ва Яссавийлар билан бирга Абдураҳмон Жомий, Имом Бухорий ва Рудакий сингари буюк боболарни тилга олиб, уларнинг умуммаданиятимиз тарихида қолдирган улуғ ишларини ҳам айтиш мумкин эди.

Фаоллар йиғинида шу мавзуда фикр юритган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов «Туркистон — умумий уйимиз» руҳи билан ташкил топган Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси амалга ошираётган ишлар ушбу маърузада эътибордан соқит қилинганига таассуф билдирди. Ўзбекистон ҳукумати Ассамблеяга жой ва ўн миллион сўм маблағ ажратди. Қозоғистонга келсак, шуни айтиш керакки, узоқ вақт, салкам бир йил мобайнида Ассамблеянинг Қозоғистон бўлими Низоми турли баҳоналар билан Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланмай ва у бошлаб беш тилдаги бу газета ҳар бир тилда алоҳида-алоҳида нашр этила бошлади. Эндиликда нашриёт очиб, Марказий Осиё халқлари адиблари ва олимларининг энг сара асарларини китоб ҳолида нашр этишни мўлжаллаб турибмиз. Остонада бўлган анжуманда Ассамблея маданиятларимиз қардошлигини равнақ топтириш борасида амалга ошираётган ана шу ишлар ҳақида бирор сўз эшитмадик. Қайтанга яна бир шундай марказ тузиш, Марказий Осиё халқлари учун бир журнал чиқариш ҳақида таклифлар бўлди.

Ўз навбатида биз ҳам анжуманда айрим масалалар юзасидан ўзимизнинг жиддий фикрларимизни айтишимиз керак эди. Шундай қила олмаган бўлсак-да, делегациялар учрашувида қабул қилинган биргаликдаги ҳужжатимизда маданият арбобларини бирлаштиришга доир яна бир марказ тузиш тўғрисидаги бандни тушириб қолдирдик. Мавжуд ассамблеянинг ўзини кучайтириш зарурлигини билдирдик.

Ўзбекистон халқ ёзувчилари Пиримқул Қодиров, Ҳамид Ғулом, Иброҳим Раҳим, шоир Мирпўлат Мирзо, «Марказий Осиё маданияти» газетаси бош муҳаррири Анвар Жўрабоев тилга олинган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини айтдилар. Жумладан, Ҳамид Ғулом ўз сўзида Алишер Навоий бобомизнинг ҳикматли мисралари ўзгача талқин этилгани, жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган тенгсиз даҳоларимиз ўз ўрнида тилга олинмагани, машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов президентлик қилаётган, Ўзбекистон ҳукумати томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинаётган Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси фаолияти эътиборга олинмаганидан таассуф билдирди. Иброҳим Раҳим ҳам шу ҳақда фикр юритиб, бундай бир ёқлама қарашларга нисбатан биз ҳам ўз мулоҳазаларимизни айтиб туришимиз керак, деди.

Анвар Жўрабоев ўз сўзида, Боткен масалаларига Назарбоев муносабат билдирмаганини, минтақага сиёсий терроризм хавф солаяпти деганини мен сираям тушунмадим, деб таъкидлади. Шунингдек, маданиятлар бирлигига интилиш ҳар бир зиёлига, айниқса юксак мартабали раҳбарга қардош халқлар маданиятини чуқур билиш маъсулиятини ҳам юклайди, деди у. Аммо Қозоғистон Президенти маърузасида бу нарса кўзга яққол ташланмади. Мирпўлат Мирзо суҳбат иштирокчиларининг фикрларини давом эттирди. У Остонадаги учрашувларнинг мақсадларини таъкидлаган ҳолда юқорида айтиб ўтилган маърузада дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлаш юзасидан қилинаётган ишларни эътироф этиш ўрнига нутқий жозибага интилиш кучли бўлганини, кўп ҳолларда эса қардошларимиз демократияни жуда жўн тушунаётганларига эътиборни қаратди.

Фаоллар йиғини сўнггида уюшма раиси Абдулла Орипов ижтимоий-сиёсий жараёнлар қизғин тус олган, воқеа-ҳодисалар шиддати тез кечаётган XXI аср бўсағасида Марказий Осиё ёзувчи ва зиёлилари, маданият арбобларининг умумминтақа хавфсизлиги ва тараққиётига даҳлдор масалаларда якдил ва ҳамжиҳат, ҳамфикр, кечаётган жараёнларга холис муносабатда бўлишлари умумий тараққиёт ва истиқболимиз учун ниҳоятда зарурлигини таъкидлади.

М. АБДУЛЛАЕВ

Обуна-2000

ПАЙШАНБАДАН БОШЛАНАР БАЙРАМ...

Агар билсангиз, сиз севиб ўқийдиган ва бу йил ҳам албатта обуна бўлмоқчи бўлган газетангиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтанинг пайшанба куни саҳифаланади. Шу куни муаллифлар таҳририятга келиб эртасига эрталаб газета саҳифаларида юз кўрадиган мақолалари «гранка»ларини ўқиб берадилар, матнларга сўнгги тузатиш ва тўлдиришларни киритадилар. Босмахонамизнинг ихлосманд ходимлари ярим тундаёқ, баъзан анча эрта газетанинг ҳозиргача босилиб чиққан сонларини қўлма-қўл қилиб ўқишади. Байрам пайшанбадан бошланади, деганимизнинг боиси шу...

Агар сиз хонадонингизда йил бўйи байрам бўлишини истасангиз бу йил ҳам, албатта, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га обуна бўлинг!

Биласиз, халқимизда «Сўраганнинг бир юзи, бермаганнинг икки юзи қора» деган нақл бор. Ҳар жума куни «Адабиёт газетасида эўр мақола чиқибди...» деган гап тарқалсаю югуриб бирорта бирodарингизнинг олдига бориб, «Оғайни, газетангни бир пасга бериб тур» десангиз, берса-ку майли, аммо газетани дарҳол қўйнига яшириб «Ука, вақтида обуна бўлиш керак эди»-деб қолса...

Яхшиси, обуна бўлганингиз маъқул.

Гоҳида газета сўраб таҳририятимизга ҳам келишади. Битта-яримта қолган бўлса, хўш-хўш, қолмаган бўлса жуда ноқулай-да...

Обуна баҳоси унчалар қиммат эмас.

Битта «Нексия» тахминан салкам ***ИККИ МИЛЛИОН СЎМ*** *туради.*

Битта «Тико» тахминан ***БИР МИЛЛИОН СЎМ****дан ошади.*

«Тошкент-Андижон» йўналиши бўйича самолётда бир марта учиш учун тахминан ***3 МИНГ СЎМ*** *тўлаш керак.*

«Олой» бозорида баъзи гулдасталарнинг нархи ***5 МИНГ СЎМ****гача етади.*

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ГАЗЕТАСИНИНГ БИР ЙИЛЛИК ОБУНА БАҲОСИ 2 МИНГ СЎМ*дан*

САЛ ОШАДИ, ХОЛОС!

УЙИНГИЗДА ҲАМИША БАЙРАМ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЭСЛАТАМИЗ:

— якка обуначилар учун — 222

— ташкилотлар учун — 223

4-бет

Саид Аҳмад — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, **Эркин Воҳидов** — Ўзбекистон халқ шоири, **Хуршид Дўстмуҳаммад** — Матбуотни қўллаб қувватлаш ва демократлаштириш жамғармаси раиси, **Иброҳим Норматов** — Ўзтелерадио компанияси раиси ўринбосари, **Жалолиддин Сафоев** — «Фидокор» газетаси бош муҳаррири, **Аҳмаджон Мелибоев** — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири, **Азим Суюн** — «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири, **Иброҳим Ғафуров** — «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири, **Ҳабибулла Олимжонов** — «Ватан тараққиёти» газетаси бош муҳаррири, **Тўхтамурод Тошев** — «Адолат» газетаси бош муҳаррири, **Ўткир Раҳмат** — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири, **Ойдин Ҳожиева** — «Саодат» журнали бош муҳаррири, **Бўрибой Аҳмедов** — «Амир Темур» жамғармаси раиси, академик, **Наим Каримов** — «Қатағон қурбонлари» жамғармаси раиси, профессор, **Фозила Сулаймонова** — филология фанлари доктори, **Абдуҳошим Исмоилов** — Ўзбекистон халқ артисти, **Ғуломжон Ёқубов** — Ўзбекистон халқ артисти, **Ўлмас Саиджонов** — Ўзбекистон халқ ҳофизи, **Гулчеҳра Жамилова** — Ўзбекистон халқ артисти, **Алишер Мирзаев** — Ўзбекистон халқ рассоми, **Хожиакбар Нурматов** — Ўзбекистон халқ артисти, **Зикир Муҳаммаджонов** — Ўзбекистон халқ артисти, **Суюн Қораев** — Ўзбекистон қирғиз миллий маданият маркази кенгаш аъзоси, **Зиёд Есенбоев** — «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири, **Турсунмат Холбоев** — Ўзбекистон қозоқ миллий маданият маркази раиси, **Қалдибек Сейданов** — «Нурли жол» газетаси бош муҳаррири, **Носир Фозилов** — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ёзувчи, **Давлатбек Саъдуллаев** — Тожик миллий маданият маркази раиси, **Эсон Турдикулов** — «Овози тожик» газетаси бош муҳаррири, **Жумақилич Омонов** — Туркман миллий маданият марказини таъсис этиш ташаббус гуруҳининг раиси, ТошДУ доценти, **Ўринбой Авездурдиев** — Тошкент шаҳар 2-стоматология поликлиникаси бош врачи, **Тўхтамурод Жўраев** — Фанлар академияси Президенти, академик, **Ашраф Аҳмедов** — Ўзбекистон тарихчилар жамияти раиси, **Иномжон Рахмонов** — Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти раиси, **Муҳаммад Юсуф** — Ўзбекистон халқ шоири, **Рустам Абдуллаев** — Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси, **Ҳабибулла Раҳимов** — Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари, **Акмалжон Икромжонов** — Ўзбекистон Бадиий академияси раисининг биринчи ўринбосари, **Тоҳир Миржалилов** — Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари, **Маматқул Ҳазраткулов** — «Ўзбеккино» раисининг биринчи ўринбосари, **Исамат Эргашев** — «Ўзбеккино» раисининг ўринбосари, **Шуҳрат Аббосов** — Кинорежиссёр, **Муяссар Раззоқова** — Ўзбекистон халқ артисти, **Тўланбой Курбонов** — Ўзбекистон қирғиз маданият маркази кенгаш аъзоси, **Мелис Абзалов** — Кинорежиссёр, **Дилбар Саидова** — «Оила ва жамият» газетаси бош муҳаррири, **Аъло Хўжаев** — «Ташкентская правда» газетаси бош муҳаррири, **Амиркул Каримов** — Миллий матбуот маркази раиси, **Усмон Кўчқор** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси раиси.

Тошкент шаҳри,
1999 йил, 28 октябр.

ДЕПУТАТЛИК ИМТИЁЗ ЭМАС

(Боши 1-бетда.)

ларга эга. Биров ўзининг ҳалол меҳнати, ақли ва заковати билан улуғ ишларга қодиригини намоён этса, бошқа биров ўзининг уддабуронлиги, қилиб қўйган салгина ишини катта қилиб кўрсата олиши, ном чиқаришга мойиллиги, борингки, одамларни ўзи томонга оғдиришга устомонлиги билан ҳам эътибор қозониши мумкин. Шу маънода гоҳида имзолар тўплаб, ўз номзодини қўйдиришга уринаётганлар орасида баъзи-баъзида шундайлар ҳам учраб туриши табиий ҳол.

Сайланишга, депутат бўлишига қизиқишнинг бундай эскирган ва сийқаси чиққан кўринишлари, таассуфки, айримларнинг тассуввурида гоҳо яшаб келаётганига ҳам дуч келиш мумкин. У ишни қойиллатиб ташлайман, бу ишни бажариб бераман, ўз сайловчиларимга қарашаман, дея тоғ-тоғ ваъда бериб, имзо тўплашга бутун саъй-ҳаракатини ташлаганлар ҳам камдан-кам бўлса-да учраб турибди Имзоларнинг ҳақиқийлигини текшириб кўриш жараёнида кайфияти бузилиб, нималардандир норозидай бўлиб юрган бундайларни ҳам кўраяпмиз.

Албатта, депутат бўлишга интилиш ҳар кимнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқи. Бироқ бу ишда ҳам мардлик кераклиги рўй-рост намоён бўлаётир. Одамлар ўз номзодини қўйдириш учун елиб-югурганларга гоҳ мийигида кулиб, гоҳ жиддий тортиб, ўз-ўзича муносабат билдиришади. Хайрихоҳлигию ишончи нечоғли эканини ўйлаб кўра бошлашади. Чунки эндиги сайловларимиз бир неча номзод орасидан энг муносибини танлашдек буюк имконият берган экан, бугунги сайловчи шу имкониятдан тўкис фойдаланиб, ўзининг конституциявий бурчи ва ҳақ-ҳуқуқини рўёбга чиқариши керак.

Хўш, одамлар кимларга кўпроқ овоз бериши мумкин: хайр-саховатни, у ёки бу ишларни битказиб беришни ваъда қилиб, ўз номзодини қўйишга интилаётганларгами ёки бундай ишларга имконияти бўлмаса-да билими ва тажрибаси билан мукаммал қонунлар яратилишига ўз ҳиссасини қўша оладиган, ўз сўзига, мавқеига эга, шу чоққача қилиб улгурган ишлари билан эл назарини қозонган кишиларга? Бу ҳар бир сайловчининг ўз хоҳиши. Бироқ, модомики, энг муносибларни сайлаш фуқароларимизнинг бурчи экан, бу ҳақда ҳам мушоҳада юритиб кўриш фойдадан холи эмас. Кимни сайлаш керак, деган масала ҳар бир сайловчининг олдида кўндаланг турар экан, ҳар бир сайловчи номзодларнинг дастурлари билан танишиб, улар билан учрашиб, бир қарорга келар экан, албатта, депутатлик ўзи нима, унинг моҳияти нимадан иборат деган саволларга ҳам аниқ ва лўнда жавобга эга бўлмоғи зарур. Депутатликни қандайдир имтиёзларга эгалик, қандайдир алоҳида бир рағбат, лавозим, мансаб, деб тушуниш замонлари ўтиб кетди. Буни ўз номзодини қўйишга интилаётган кишилар ҳам, бугунги сайловчиларимиз ҳам тўкис тушуниб олишлари керак. Депутатлик — имтиёз эмас. Депутатлик жуда катта масъулиятдир. У ёки бу округ сайловчиларининг ишончини қозониб, депутатликка сайланадиган кишилар ана шу сайловчиларнинг ишончли вакили сифатида ўзи иш кўрадиган кенгашларда уларнинг хоҳиш — иродаларини рўёбга чиқаришга қодир инсон бўлиши керак. Мамлакатнинг эртанги куни, мустақил тараққиёт йўлларини равшан кўра оладиган, бўлиши керак. Албатта, ана шундай масъулиятли ишларни бажаришга қодирлик, бу — шарафли вазифа ҳамдир. Шу маънода депутатлик ҳам масъулият, ҳам шараф дейиш мумкин. Бироқ у асло имтиёз эмас. Мамлакат бахти, она халқ учун ҳисса қўшишга муносиб бўлиш катта шараф. Фақат бошқалар тайёрлаган қонунларнинг қабул қилинишига шунчаки қўл кўтариб тасдиқлаб келиш учунгина депутат бўлиш шарт эмас. У ҳолда депутатлик ўзининг асл мазмуни ва моҳиятини йўқотади. Ундай депутатлар, мабода шундайлар ҳам учраб қолса, қабул қиладиган қонунлар ҳаётда ишламайди, ҳаётга зарур даражада таъсир кўрсата олмайди. Буни ўз номзодини қўйган кишилар ҳам, ҳар бир сайловчи ҳам пухта билиши керак. Сайлаш ва сайланишнинг бутун масъулияти ана шундадир.

Баъзи сайловчилар орасида «минг битта сиз-биздан битта жиз-биз афзал» деган сийқа ақидалардан қутула олмаган, эскича фикрлаш инерцияси билан яшаб келаётган кишилар ҳам йўқ эмас. Фалончининг билимию тажрибасини нима қиламан? Ундан менга нима фойда? Ҳу фалончи эса, дўконимдаги молларни арзон соттираман, агар депутат бўлсам деганмиш. Кеча фалончи тадбиркор фалон маҳаллага ош тортибди, қайси бир мактабга неча минг сўм пул ўтказдириб берибди, эшитдингизми? — деган сийқаси чиққан, сайлов жараёнини жўн ва тўпориларча тушунишдан келиб чиққан гапсўзлар ҳам, афсуски, баъзан қулоққа чалиниб қолаяпти. Бугун онг ва тасаввуримизда сайлаш ва сайланиш жараёни, фикрлаш ва тафаккур тарзимизда янги даврнинг янги ҳақиқатларини идрок этиш жараёни бораётган экан, мушоҳада учун ўйлаб кўрайлик: «Биздан угина — сиздан шугина» қабилида нимадандир хомтама бўлиб, саховот кўрсатилса, унинг хайр-эҳсонлиги қаерга боради. Бундай таъмагирлик асосига қурилган саховат бандасига ҳам, Оллоҳга ҳам маъқул эмас. Тоза кўнгил билан қилинган ишгина Оллоҳнинг даргоҳида қабул қилинади.

Депуталик моҳияти ҳақида ўйлаганда бу жиҳатларни ҳам унутиб бўлмайди. Депутат кўнгли тоза, ҳалол, ақлли ва заковатли, ўз манфаатини кўпчилик манфаатидан устун қўймайдиган, ўз элининг номуси ва шарафини сақлашга қодир, асл ватанпарвар киши бўлиши керак. Кўрсатилаётган номзодларимиз орасида, албатта, бундай эл назарини қозонган, депутатликни қандайдир имтиёз, деб эмас, балки юксак масъулият деб тушунадиган юртдошларимиз жуда кўп. Халқимиз яна шундай муносиб номзодларга ўз овозини беради.

Мурод АБДУЛЛАЕВ



Суратда: «Оқ, оқ, қора лайлак» спектаклидан кўриниш.
В. Харитонов олган сурат

«ИЛҲОМ»НИНГ ИЖОД ЙЎЛИ

«Илҳом» театри бундан 24 йил муқаддам, 1976 йили режиссёр Марк Вайл ташаббуси билан ўз фаолиятини бошлаган эди. У давлат театрлари тизимидан ҳоли тарзда очилиб, ўша вақтлардаёқ театр санъатида умуман янги йўналишни таклиф этди. Бинобарин, услуби ҳамда мазмунига кўра янги театрга айланди.

Театр саҳнасида илк кунларданоқ ўзбек ва рус актёрлари баробар фаолият бошладилар. Театрнинг биринчи томошаси «Масхарабоз-76» деб ном олган эди. Сўнгра, 80-йиллар бошларида илк марта драматург ва адиб Шароф Бошбеков асарлари қўйила бошланди. Булар — «Тикансиз типратиканлар», «Оқ отлар учун вадиса» («Тетакллари эди. Ундан кейин то хозирги кунларга қадар театр жамоаси Е. Шварц, А. Гудялис, К. Сергиенко, Г. Горин, А,. Фугард, К. Гоцци, А. Чехов ва бошқа кўплаб адиблар асарларини саҳналаштирди. Олимжон Салимов, Марат Азимов, Наби Абдураҳмонов каби режиссёрлар айни шу театрда камолот чўққисига эришганлар.

Театр

«Илҳом» театрининг бадиий раҳбари Марк Вайл билан суҳбатимиз чоғида у шуни таъкидлади: «Илҳом» ҳаёт ва бизнинг онгимиз, дунёқарашимиздан шаклланган. Театрнинг саҳна томошалари кундалик турмушимизни ва ички дунёмизни тўла-тўкис акс эттиради. Шунингдек, театрда ҳамма нарса чин дилдан ва ошкора бўлиб, бизнинг томошабинлардан яширадиган сиримиз йўқ. Томошалар эса жуда жиддий ва долзарб мавзуларга бағишланган.

Театримизда томошаларнинг кўпчилиги ҳам ўзбек, ҳам рус тилида намойиш этилади. Жамоамиз ҳам байналмилаллик ва ватанпарварлик руҳи билан яшайди. «Илҳом» ҳар бир халқнинг маданиятига катта ҳурмат-эътибор билан ёндошади, унда барча маданиятлар ўзаро бир-бирига уйғундир».

Театр саҳнаси ўта замонавий услубда безатилган. Саҳнадаги безаклар ҳам ҳар бир саҳна томошаси учун мутаносиб равишда танланади. Саҳна орқасига ўтсангиз, қизиқ нарсага кўзингиз тушади: бешолтита мармар устунчаларга «Илҳом»га ташриф буюрган хориж мамлакатлари актёр ва режиссёрлари ўз дастхатлари ҳамда тилакларини ёзиб кетишган.

Ҳозир «Илҳом» театрида буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Маҳзума», «Куёв» ва бошқа ҳикоялари асосида яратилган «Оқ, оқ, қора лайлак» спектакли намойиш этилмоқда. Спектакл томошабинларга манзур бўлмоқда. Бунда ўз ролларини маромига етказиб ижро этган Нигора Каримбоева, Рустам Эсонов ва бошқа таниқли актёрларнинг хизматлари катта.

Келаси йил апрел ойида «Илҳом» театри ўзининг 25 йиллигини нишонлайди. Ўйлаймизки, жамоа чорак асрлик юбилейини омадли премьералар билан кутиб олади.

Дилшод ҚОСИМОВ

«АЖДОДЛАР ЁДИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази томонидан ўтган йили яхши ниятлар билан эълон қилинган, халқимиз тарихида буюк жасорати ва матонати, ақлу заковати билан ўчмас ном қолдирган Спитамен, Широқ, Тўмарис, Муқанна, Маҳмуд Торобий, Темур Малик каби сиймоларнинг турли жанрлардаги рамзий образларини яратиш борасидаги «Аждодлар ёди» кўрик-танловининг якуни бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов эълон қилингандан бошлаб республикамизнинг турли вилоятларида яшаб ижод қилаётган муаллифлар ўз асарларини матбуотда эълон қилдириб, ҳайъатга юбордилар. Шулардан Асад Дилмуродовнинг «Маҳмуд Торобий» романи, Усмон Қўчқорнинг «Широқ» ривоят-достони, А. Бобоёровнинг «Тўмарис» драмаси, Муҳаммадали Қўшмоқовнинг «Гўрўғли» драмаси, Темур Убайдуллонинг «Валийнома» достони ва бошқа асарларни айтиб ўтиш лозим. Булар орасида назмий, насрий, тасвирий, публицистик мақолалар ҳам кўп эди. Публицистик асарлар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Мурод Абдуллаевнинг «Ватан шарафи» деб номланган мақоласи, тарих фанлари доктори Ҳамдам Содиқовнинг Амир Темур фаолиятига доир ҳамда «Султон Жалолиддин Мангуберди» номли туркум мақолалари, ёзувчи Ҳабибулло Зайниддин қаламига мансуб «Юрт шаъни деб яшади» мақоласи ва бошқа асарлар бор.

Рассомлардан Зайниддин Фахрутдиновнинг «Муқанна», «Мен қайтаман», «Тўмарис», «Темур Малик», Эркабой Машариповнинг «Жалолиддин Мангуберди», «Жалолиддин от устида», Ориф Муйиновнинг «Маҳмуд Торобий», «Тўмарис», Чори Бекировнинг «Чўпон йигит — Широқ» ҳамда Рустам Худойбергановнинг «Асло таслим бўлмаймиз» номли ва бошқа кўпгина асарлар кўрик-танловда алоҳида тилга олинди.

Нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан барча асарлар синчковлик билан кўздан кечирилди. Ёзувчилардан Асад Дилмуроднинг «Маҳмуд Торобий» романи, Усмон Қўчқорнинг «Широқ» ривоят-достони, рассомлардан Зайниддин Фахрутдиновнинг «Муқанна», Ориф Муйиновнинг «Маҳмуд Торобий» асарлари ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди. Ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Кўрик-танлов ҳайъати аъзолари ушбу кўрик-танловни 2001 йилгача, Мустақиллик байрамининг ўн йиллигигача давом эттириш мақсадга мувофиқ, деб топди.

Жамоатчилик ва ҳайъат аъзоларининг фикрини инобатга олган ҳолда «Аждодлар ёди» танлови келгусида алоҳида тарихий номлар билан чекланмайди.

2000 йилда ҳам «Аждодлар ёди» кўрик-танловининг рағбатлантирувчи якуни ўтказилади. 2001 йилда эса танловга умумий якун чиқарилади.

Кўрик-танловда буюк бобокалонларимиз образини яратишда замонавий имкониятлар воситаси бўлмиш телевидение, кино, оммавий ахборот воситаларининг бошқа соҳалари деярли қатнашмаганлиги сезилди. Шунингдек, бу тадбир этнографлар, тарихчилар, олимлар ва бошқа илмий ташкилотлар назаридан четда қолмоқда. Кўрик-танлов давомида улуғ аждодларимизнинг рамзий образларини яратишда барча қатнашувчиларга ижодий муваффақиятлар тилаймиз. Уларнинг шахсий ютуқлари бутун халқимиз бойлигига айланишига ишонамиз.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
«Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси бошқарув раисининг биринчи муовини

«АВЕСТО» ЛУҒАТИ

Ўзбеклар ва дунё

«Авесто»даги сўз, ибора ва мураккаб жумлаларни изоҳлаб, шарҳлаб тушунтириш ёдгорлик яратилган даврданоқ бошланган. Доктор Фаридун Жунайдийнинг таъкидлашича, сосонийлар даврига келиб у анъанавий бир тусга киради ва «диний тушунча», «диний ибораларни изоҳлаш» деган атама пайдо бўлади. «Данкард», «Бундахшин» сингари ёдгорликлар таркибидаги «Авесто»га оид, Зардушт ва зардуштийликка доир мулоҳазалар ана шу эҳтиёж замирида пайдо бўлган. Ушбу анъана Моваруннаҳру Эронда халифалик ҳокимияти жорий қилингандан сўнг ҳам давом этган. Чунончи, сосонийлар даргоҳидаги «китобий одамлар», яъни илоҳий аҳкомлар билимдонлари — авесто ва паҳлавий тилларини биладиган зардуштий уламолар халифа саройлари билан боғланиб, қадимги диний қоидаларни арабчага ўгириб, шарҳлаш билан шуғулланганлар. Ибн Сино фойдаланишга муваффақ бўлган Бухоро китобхонасида ана шу хилдаги «кўҳна китоб» таржималари бўлган.

Шундан сўнг «Авесто» шарҳлари, китоб сўз ва ибораларини изоҳлаш, таржима қилиш тўхтаб қолади. Француз шарқшуноси Анкетил Дюперрон Жанубий Ҳиндистондаги зардуштий форслар орасида 15 йил яшаб (XVIII аср), «Авесто» алфавитини ўзлаштириб, тилини ўрганиб, юртига қайтгач, махсус луғат тузиб, «Яшт»ларни таржимаси билан нашр эттиради. Шундан кейин инглиз ва немис тилларида ҳам «Авесто», луғатлари тузилади. 80-йилларнинг бошларига келиб Эҳсон Баҳромий «Авесточа-форсча-иглизча» луғат тузишга киришиб, 20 йил давомида 100 минг белгини қамраб олган «Авесто» калималари луғати»ни яратишга муваффақ бўлади. Бироқ ҳадеганда бирор «харидор» топилмагач, илм дароҳини тарк этиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлайди.

Кунлардан бир куни «Бунёди Нишопур» нашриётининг бошлиғи Фаридун Жунайдий бир олим дўстига Язд шаҳридаги уламо-донишмандларни жалб этиб, «Авесто» луғатини тузиш лозимлигини маслаҳат беради. У «Бундай луғат тайёр, уни Эҳсон Баҳромий тузган, бир дафтари менинг қўлимда» деб ўша нусхани келтириб беради. Жунайдий луғат билан танишиб чиққач, уч йил давомида нашриёт ходимлари муаллифни қидириб топадилар ва ижодий ҳамкорликда ишга киришилади. Натижада тузилганидан 24 йил ўтгач, «Авесто» калималари луғати» 1997 йили босилиб чиқди.

Тўрт жилддан иборат бу изоҳли луғат Фаридун Жунайдийнинг хийла батафсил сўзбошиси ва авесточа-форсча-инглизча матнлардан иборат. Муқаддимада ношир «Авесто»нинг яратилиши, қисмати, унинг бизгача етиб келган қисми дастхатлари, уларни кўчирган котиблар, авестошунослик тарихи хусусида янгиликларга бой маълумотлар келтирган. Жумладан, муаллифнинг қадимда паҳлавий тилида зардуштийлик динига доир сўз ва атамаларнинг махсус изоҳлари яратилгани, Бухоро амири китобхонасида ҳам бундай изоҳ китоблари мавжуд бўлганлиги хусусидаги маълумотлари қимматлидир. Шунингдек, муаллифнинг сосоний шоҳ Балош топшириги билан «Авесто»нинг 21 наски тўла жамлангани, китобшунослар, дастхатни хушнавис қилган котиблар ҳақидаги янги маълумотлари ҳам хийла мароқлидир. Муаллифнинг хабар беришича, яздлик бир маздопараст донишманддан «Авесто»нинг янги қўлёзмаси топилиб, «Бунёди Нишопур» кутубхонасига олинган. Бу нусха, ўзининг тўкис ва яхши сақлангани, хатининг бенуқсонлигига кўра, сосонийлар даври нусхалари билан рақобатлаша олади. Шунинг учун ҳам бу авестошуносликдаги энг сўнгги топилдиқ ва янгилик ҳисобланади. Кекса донишманд, кўҳна китоблар муҳиби Шоҳмардон Пуримардон уни кўз қорачиғидек асраган экан. Шу дастхатдаги бир парчага қараганда, Моваруннаҳрнинг «Авесто»даги номи «Вардирвардон» экан. Бундан ташқари, кириш қисмида луғатнинг тузилиши, ундан фойдаланиш усуллари, уни чопга ҳозирлаш жараёнида иштирок этган ходимлар тафсилоти баён этилган. Гап шундаки, «Авесто»даги муайян бир сўзни уч-тўрт марта териш, унинг турли қисмларини кесма тарзда алоҳида қоғозларга ёпиштириш билан муайян сўзни ҳосил қилиш сингари жараёнда кўпчилик заҳмати сингган.

«Авесто» калималари луғати» жуда катта илмий, назарий, амалий ва маърифий аҳамиятга эга. Унда ёдгорликнинг бизга қадар сақланиб қолган қисмидаги деярли барча сўзлар қамраб олинган ва изоҳланган. Улар шу соҳа билан қизиққан барча илм-адаб аҳлига чуқур билим беради. Чунончи, ҳозиргача барча авестошунослар тадқиқотларида тангри Аҳурамаздо яратган 16 «кишвар»нинг биринчиси «Айрона Важа», деб нотўғри ёзиб келинар ва унинг қайси минтақада жойлашганлиги хусусида баҳс юритиларди. Луғатда тангри халқ қилган биринчи кишвар «Хоразм ҳудудидаги қадимги давлат» «Дарёйи Фарохи Кари — Минг шохобча ва минг каналли Амударё», «Ҳукар — Помир тизма тоғлари», «Авесто» — илм ва огоҳлик», деб шарҳланган.

Олдин таъкидланганидек, «Авесто»да минглаб атамалар, номлар диний-фалсафий, иқтисодий, сиёсий, касбий тушунчалар борки, уларнинг аксариятини соҳа мутахассисислари ҳам тушуниши қийин эди. Мазкур луғатда сосонийлар давридаги анъана ва тажрибалардан фойдаланиб, минг бир маънога эга бўлган ана шу хилдаги тушунчаларни имконият доирасида муаллиф кенгроқ, батафсилроқ шарҳлашга интилган. Маълумки, истиқлол шарофати билан мамлакатимизда аждодлар меросига, миллий қадриятларга муносабат мутлақо ўзгарди. «Авесто» калималари луғати» дастурий характерга эга бўлганлиги учун у барча Шарқ давлатларида ёш авестошуносларни тайёрлаш, қадимги меросимизга келажак авлодда меҳр уйғотишда муҳим аҳамиятга молик бир китобдир.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Куз айни пишиқчилик, ҳосил йиғим-терими палласи. Яна куз байрамлар фасли ҳам. Айниқса, ҳосил байрами республикамизнинг барча ҳудудларида катта шодлик билан ўтмоқда. Куни кеча Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтган шундай тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Чилонзор тумани ҳокимлиги, туман тиббий ҳудудий бирлашмаси, туман «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси ҳамда 5-юқумли касалликлар шифохонаси ҳамкорлигида ўтган ана шундай байрамлардан бири «Ҳосил-99» деб номланди. Тадбирнинг қизиқарли ва кўнгилли ўтишида унга ҳомийлик қилган Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри ижодкорларининг хизмати катта бўлди. Хусусан, байрам сценарийси муаллифи (5-шифохона бўлим бошлиғи Насиба Анорқулова билан ҳамкорликда) ва томоша режиссёри Турғун Бекназаров, бошловчи Гулчеҳра Мирзажонова, севимли актёрларимиздан Марям Ихтиёрова, Равшан Солиҳов, Қобилжон Умиров, Алишер Отабоев ва бошқаларнинг чиқишлари кўнгилларни хушнуд этди.

Тадбир доирасида «Она ер туҳфаси» шиори остида куз неъматлари ва таомларига бағишланган кўрик-танлов ўтказилди. Мирзо Улуғбек номидаги боғ раҳбарияти ташаббуси билан танлов ғолибларига мукофотлар таъсис этилди ва топширилди.

Ниҳоятда кўнгилли ўтган ушбу ҳосил байрамида Чилонзор тумани маҳаллалари аҳли ва шу ҳудудда жойлашган шифохоналар жамоалари фаол қатнашдилар.

«Юнусобод» спорт мажмуида бокс бўйича ўтаётган XX-Осиё чемпионати финалига 1 кун қолди. *А. Рисқиев олган сурат.*

ОТАЛАР ИБРАТИ

Тарих қатидан

Биринчи мақола муаллифи 20-30-йилларнинг жонкуяр журналисти Наим «Туркистон» газетасининг 1924 йил 16 апрел сонида «Мана бунга нима деймиз?» хабарида халққа тарқатилаётган қоғозлар рус тилида бўлганлиги туфайли халқ қийналаётганлигидан куйиниб шундай ёзади: **«Ҳозирда эски Тошкент думахонаси томонидан шаҳар халқига солиқлар тўғрисида «извишчиниа» қоғозлари юборилғон, ушбу қоғозларнинг ҳаммаси русчадир, халқ тушунмайдир, буларнинг ерлик тилда бўлиши лозим эди. Бунга молия шўъбаси эътибор қилсун».**

Иккинчи хабарда, яъни «Туркистон» газетасининг 1924 йил 13 август сонида босилган «Ерлик тилга эътиборсиз қараш» мақоласида ўзбек тилига менсимаслик қаламга олинган. Тегирмон мудири Нарчанский протокол ўзбек тилида ёзилганлиги учун қўл қўймайди, яъни ишончсизлик билдиради. Ачинарлиси шуки, тегирмонда ишловчи фирқа аъзолари кафил бўлсаларда, ўжарлик қилиб ушбу ҳужжатга қўл қўйишдан бош тортади: **«Селхозторг қарамоғидаги биринчи ҳукумат тегирмонидаги тажрибачилар ерлилаштириш ҳайъатининг вакили ва ҳам тегирмон идорасининг кўшма мажлиси бўлуб бир мунча тажрибачиларни (яъни иш ўрганувчилар) ишга мувофиқ топилиб иштатға ўтказиш учун қарор чиқарилган экан. Шу мажлисга раислик қилғон тегирмон мудири Нарчонский протокол ерлик тилда йозилғони учун қўл қўймоғон ва баъзи ерлик фирқалик ўртоқлар таржима қилиб берсалар ҳам ишонмағон. Бу ишга қандай маъно бермак керак. Йўқори идоралар ва ерлилашдириш ҳайъати ундай жаноблларнинг адабини бериб қўйса яхши бўлар эди».**

Кўриниб турибдики, ушбу икки мақолада оталаримиз ўз тилларини давлат тили даражасига кўтариш учун куюнчаклик билан куришганлар. Улар ҳамма ёзув-чизувлар ўзбек тилида бўлишлиги учун ҳаракат қилганлар.

Оталаримизнинг бу хайрли ишлари бизларга ўрнак бўлмоғи лозим.

Эргаш УМАРОВ

Ушбу маҳобатли ёзувни кўрмаган бўлсангиз, эслатамиз: Тошкентдаги масъулияти чекланган «Паризод» корхонасининг дўкони тепасига қоқиб қўйилган.
Чамаси, корхона маъмурияти ҳам, дўкончилар ҳам Давлат тили ҳақидаги қонундан бехабар кўринишади...
Н. Муҳаммаджонов олган сурат.



Ораста, осуда, майин, кумушранг
Мезоннинг сочида синса гар ёғду —
Билинг, Есенинни соғиниб юрган
Илҳом париларин кўз ёшидир бу

Шероз боғларининг латиф ноласи —
Ҳофиз байтларини эслатур сабо.
Демак, Есениннинг
«Форс таронаси» —
Саъдий «Бўстон»ига бахшида наво.

Не тонг, Шоҳина, деб ғазал
битган дам
Есенин шарқона ҳисга тўлгандир.
Саркашлик қилганда у тутган қалам,
Навоий руҳидан мадад олгандир?

Олис шимол ёқдан эсган бу насим,
Гул ҳидин таратар назмий чаманда.
Ҳайрат гунг қоларди
шундайин маъсум

* * *

Юрак — бўм-бўш. Алағда ҳолат.
Ҳатто, хаёллардан зерикмиш кўнгил.
О, дардкаш қаламим, ахир ўзинг айт,
Умримда яна бир эврилишми бул?

Шерназар ҚЎШНАЗАРОВ

БЕОРОМ ТАНИМДА БЕОРОМ СОҒИНЧ

Қайдасан, бевафо дўстим, эй қувонч?
Ёшлик йилларимнинг тантиқ йўлдоши.
Толғин нигоҳимга бир зум бағринг оч,
Эзгу умидимнинг инжа қуёши.

Буткул юз бурдингми, мендан
изтироб —
Идроким таниган, эй тўнғич туйғу?
Кечалар шеър узра ичириб хуноб,
Шеърсиз қолдирмоғинг нима
энди бу?

Юрак — бўм-бўш. Гўё бегона офтоб.
Қувонч бегонадир — нотаниш азоб.

ШАРҚОНА СЕВГИНИНГ СОҲИР КУЙЧИСИ

Олтинсоч, мовийкўз, хушсурат, ўктам,
Нафосат куйчиси — Сергей Есенин.
Ватани шимолу шарқона олам —
Ҳарорат куйчиси — Сергей Есенин.

Қуёш ҳамманики бўлгани каби,
Осмон бўлганидай ҳаммага кушод.
Миллат айирмагай шоир насаби,
Чегара билмагай асл истеъдод.

Нафис туйғуларга ошуфта кўнгил,
Кимнинг иншосида топса гар ҳабиб —
Ўша сатрларни ўзингники бил,
Халқингники эрур ўша муаллиф.

Теракнинг барглари шивирлаб бирдан,
Куй тўқий бошласа елга басма-бас,
Оппоқ қайинзорда шеър ўқиб турган
Есенин сиймоси қалбимга пайваст.

Ҳарир парда тутган парирўй мисол
Тўлин ой кўк узра кезади мағрур
Сеҳр деганлари шудир, эҳтимол,
Шудир Есенинни чорлаган сурур?

Хуш илҳон шоирлар туғилмаганда.

Шубҳасиз, шеърпараст бўлган ҳар
ўзбек
Навоий даҳосин айлагай эъзоз.
Ўзбекка Навоий азиздир ўздек
Навоий пир эрур, Навоий — устоз.

Замон нима ўзи? — телбараб
вақтдир.
Қаҳрию ҳимматин англай олмассан.
Шоир бўлмоқлик — бу илоҳий тақдир,
Замон истагича саннай олмассан.

Мен-ку шеър мулкини якқалам қилган
Ўзбек фарзандиман шажарам —
қомус.
Сергей Есенин деб ўзи ном қўйган
Шарқона дунёга таъзим этсин Русь!

* * *

Ўткир бурчак ясар турналар,
Нобоп қанот — бу қулочларим.
Қиш олддаю, кузлар қийналар,
Сизни қўмсаб, қалдирғочларим.

Кўкатлар ҳиди бор товушингизда,
Толларнинг попуги — олтин тожларим.
Болалигим кирсин бир тушингизга,
Уни кўргансиз-ку, қалдирғочларим.

Орзу...
Майли — тутқун эди у,
Мени тарк этмоқда ҳатто сочларим.
Сўппайган шохлардан совуқ ўтди-ку,
Қайдасиз, қайдасиз, қалдирғочларим.

Беором танимда — беором соғинч,
Юрагим — энг сўнгги қовурмочларим.
Сизга ишонаман — паноҳим илинж,
Қайтасиз, қайтасиз, қалдирғочларим.

ФИТРАТ ВА ТАСАВВУФ

Фитрат руҳоний оилада туғилиб, тарбия топгани боис ёшлигидан бошлаб шарқ мумтоз адабиётининг, фалсафасининг кучли таъсири остида вояга етди. У дастлаб «Мижмар» тахаллуси билан тожик тилида шеърлар ёзди. Абдурауфнинг илк шеърлари классик шоирлар ижодиётини ўрганиш асосида олинган чуқур таассуротлар, қоларверса, адабиётга туғма меҳр-муҳаббат натижаси ўлароқ юзага келган бўлиб, улар ишқий тасаввуфий, лирик мазмундаги мухаммаслар, ғазаллардан иборатдир. Масалан, унинг асарларидан бири «Ҳасрат ғазалига мухаммас»и шундай сатрлар билан бошланади:

Дил бохтаам, тарки муҳаббат ки-ю, ман ки?
Фикри худу парвои маломат ки-ю, ман ки?
Савдойи дардам, ғами сиҳҳат ки-ю, ман ки?
Кулфат задаам, бодаи ишрат ки-ю, ман ки?..

Таржимаси: «Дилимни (муҳаббатга) ютқазиб бўлганман, (энди) тарки муҳаббат қайда-ю, мен қайда. Ўзим ҳақда ўйлаш қайда, маломатга қолмаслик парвоси қайда-ю, мен дим савдойилик қайда. Дар- дойиликнинг ға- (яъни сав- ўйлайман эрта- м и н и гим ташвиши кеч), соғли- қайда...». қайда-ю, мен ташқари, Фитрат Б у н д а н қида кўплаб ма- тасаввуф ҳа- яратгани маълум: қ о л а л а р вий», «Яссавий «Аҳмад Яссамактаби шоирлари тўғрисида текширишлар», «Бедил (Бир мажлисда)», «Машраб» каби (Бу ҳақда қаранг: Ҳ. Болтабоев. «Абдурауф Фитрат — адабиётшунос» Т., 1995).

Тадқиқот, ахборот

Абдурауф Фитратнинг адабиётга меҳри ўта айрича бўлган. Бу ижодининг илк давридагига оид гўзал шеърларидан ташқари эстетик қарашларида ҳам кўзга чалинади. У адабиёт талаб қиладиган интуицияни — нозик ҳиссиётни улкан санъат сифатида эъзозлайди. Уни фанлар қаторига қўшмайди. У ҳали классик адабиётимиз анъаналари таъсири остида бўлиб, ижтимоий турмуш ишларига аралашмаган бир пайтда Бухорода янги бошланган жадидлар ҳаракатига қаршилик қилганини ҳам табиий қабул этиш керак. Зеро, ҳар қандай янги фикр ҳам осонликча сингмайди. Шундай қилиб, Фитратга классик шеъриятни, ундаги тасаввуфийликни янги бир поғонага кўтариш насиб этмади. Давр тўлқинлари унинг ўзини ҳам, ижодий йўналишини ҳам умуман шоир кутмаган қирғоқларга суриб кетди. У соф адабиётгамас, халқига хизмат қилди. Шуни виждоний бурчи деб билди. Собиқ совет замонида эса Фитрат: «Мен ҳеч бир вақт тасаввуфга мансуб бўлмадим... ҳеч вақт мутасаввуф бўлмағонман», деб қайта-қайта ёзишга мажбур бўлди. Классик шеъриятнинг бош мезони — аруз вазнини «схоластик» деб ҳисоблади. 10-йиллардан бошлаб унинг ижодида танқидий реалистик руҳ ҳукмронлик қилди. («Мунозара» «Баёноти сайёҳи ҳинди» асарлари, «Раҳбари нажот»нинг муқаддимаси — «Ҳиммат ва саботи бўлмаган халқнинг ҳаққи ҳаёти йўқдир» каби мақолалари). Фитрат қарашларидаги ижтимоий ўзгаришлар давр воқеликлари таъсирида, онгли равишда кечди. Шундай бўлса-да, Фитрат ижодининг илк босқичи унинг кейинги ижодий ва ижтимоий фаолиятида йўлчи юлдуз бўлиб турди — ўша жараён шоирни бевосита ёки басвосита бошқарди. Бир жузъий мисолга эътиборни қаратайлик.

Абдурауф Фитратнинг «Чин севиш» драмаси қаҳрамони Нуриддиннинг сўзлари: «... билсайдингиз, ишқни дард демас эдингиз. Ишқ дард эмас, инсонларни ҳайвонликдан қутқоражак бир даводир... «Буюклик» ва «камол» деган нарсаларга эришмак «ишқ»сиз мумкин эмасдир. Шунинг учун ишқ даводир. Уни «дард» деб, давосини излаганлар ёнглиш йўлга кетарлар... Ошиқнинг ишқдан бошқа тилаги йўқдир. Чин ошиқлар маъшуқларининг ўзлари билан эмас, хаёллари билан яшайлар. Чин ошиқ ўзининг саодатини эмас, маъшуқининг камолини истар. Маъшуқнинг камолига хизмат этмак учун ўзи комил бўлурға тиришур. Ҳар ишдан бурун маъшуқини ўз ёнига олмоқ истаганлар маъшуқларидан бурун ўзларининг саодатларини тилаганлар эрурлар. Ўз саодатини тушунганларга эса ошиқ демак ёнглишдир».

Ушбу мисолдан яна шу нарса кўриниб турибдики, Фитрат ижодидаги дастлабки тасаввуфчилик билан кейинги тасаввуф таъсири зарралари орасида зиддиятсиз тафовут бор. (Тасаввуф таъсири дейилганда, шартли равишда, тасаввуфийликдан келиб чиқадиган таассуротлар назарда тутилади. Фитратда тасаввуфийликни реал ҳаётга боғлашга интилиш сезилади). Адиб ижодининг кейинги босқичида бутун шарқ фалсафаси каби, тасаввуф таъсирини реал жамият ҳаётига татбиқ этишга интилиши адабий-ижтимоий ҳодиса сифатидаги ЯНГИЛИК эди. Фитрат фалсафий-ижтимоий қарашларининг шаклланишида тасаввуфнинг билвосита ўрни ва аҳамияти улуғдир. У янги давр ўзбек адабиётшунослигига асос солгани каби мумтоз адабиётимизни Инсонга, ҳаётга яқинлаштиришдек улуғ вазифани бажара оларди.

Шундай қилиб, ўз ижодини гўзал лирик ғазаллар ёзишдан бошлаган бўлса, кейинчалик Фитрат давр тақозоси туфайли ўз жамиятининг фаол курашчисига айланди.

Гулшан РАҲИМОВА,
ЎзР ФА Шарқшунослик институти илмий ҳодими

Кўнгилларда жўш урган нозик ҳиссиётнинг шеърий ифодаси кишилар юрагида оташ ёқади. Бу шуур ёғдуси дилларни ғуборлардан тозалайди. Эзгулик оламига етаклайди. Норойнинг шеърларида ҳам шундай зиё мужассам, у ўзининг ҳаётийлиги билан ўқувчи кўнглида илиқ таассурот уйғотади, хаёлга чўмдиради.

Норойнинг шеърларида муҳаббатнинг тиниқ оҳанглари, хира тортмас хотиралар, илоҳий соғинчлар самимий оҳангларда ўз ифодасини топган. Унга бу машаққатли йўлда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Исмоил ТЎХТАМИШЕВ

Сизга қўлим етмайди, бегим,
Суҳбатингиз этмайди насиб.
Кўнглим етмас дийдорингизни
Кетаяпман тушларга осиб.

Кенглиги йўқолар кекса
осмоннинг.
Кетсангиз, қоламан ғариб
ва хомуш,

Норой ҲАСАНОВА

ЎЗНИ АНГЛАБ ЕТМОҚЛИК БАХТДИР

Изладим-у, топмадим бекор,
Карвонимдан янглишдим сўзсиз.
Юрагимда бир аёл йиғлар,
Энди қандоқ, яшайман сизсиз?

Асли хато гуноҳ бўлса ҳам,
Ахир менга жуда кераксиз.
Ортга қайтдим бошим эгиб хам,
Сиз бегона, мен бир юраксиз.

Сизга қўлим етмайди, бегим...

* * *

Мени очлик кўрқитмас асло,
Сесканаман бойиб тўйишдан.
Йўқ фанога умрим алмашиб,
Бор имоним бериб қўйишдан.

Жумбоқ тўла қаср бу дунё,
Танимаймиз суратга қараб.
Кўрганларинг рўёдир гўё,
Рўёлари ўнгмиди, ё Рабб??

Юлдузларга ошно сир айтиб,
Англамадик ўз еримизни.
Кечикканда тавба, пушаймон,
Ювармиди дил кирингизни.

Мени очлик қўрқитмас асло,
Кўп кўрқаман бойиб, тўйишдан.
Ҳаваларга умрим алмашиб,
Имонимни сотиб қўйишдан.

* * *

Кетсангиз, ҳувиллаб қолар
кенг дунё,
Ранги ўчиб борар нурли
замоннинг,
Қуёш қаҳрин сочар,
таратмас зиё,
Ўйларим тўзғийди тополмай
қўним.
Таъқиб этар мени соғинчлар
беҳуш,
Шунчаки бемаъни дайдийди
куним.
Кетсангиз, оламга сиғмайман
лаҳза,
Куч топиб иложсиз йўқотмоқ
армон.
Панд бериб чарчамас бири
кам дунё,
Кетсангиз, бари-бир қайтмассиз
омон.
Кетсангиз...

* * *

Ёмғир видо, Ёлғизлик видо,
Ҳукмдорсан, ҳақлисан, тақдир!
Мени шундай яратди Худо,
Ўзни англаб етмоқлик бахтдир.

Шивалаган мажнун томчилар
Юрагимга қўймоқчи малҳам.
Гуллаётган гулдай умидлар,
Ёмғир, ювгин оғриқ таним ҳам.

Йиғлайвергин, меҳмоним, ўзинг,
Қулоғимда жаранг сур, нидо.
Ёлғизликда хазон юрагим,
Соғинмоқ ҳам мен учун Хато.

Менман ўша содда ва ўжар,
Дийдорингга тўймадим ҳали.
Кўз юмсам ҳам йиғлагин, жигар,
Майса руҳим поклаб ювгали.

Ёмғир видо, Ёлғизлик видо,
Ҳукмдорсан, ҳақлисан, тақдир!
Мени шундай яратди Худо,
Ахир севиб яшамоқ Бахтдир.

Эшқобил ШУКУР

УЧ КЎЗА ХАЗИНА

Бадиа

Йўлда менга бир йўловчи ҳамроҳ бўлди. Гурунг яхши-да, дунёнинг бу буржидан кириб, нариги буржидан чиқдик. Лекин, шунча гурунглар ичида ҳамроҳимнинг битта ҳикояси хотирамга ўрнашиб қолди. Келинг, бу воқеани сизга унинг ўз тилидан сўзлаб берай. Ахир, сўз тилдан тилга кўчади, меҳр дилдан дилга.

«... Отам бақувват, чайир, ғужурли одам эди. Етмиш саккиз ёшига довур от устидан тушмади. Такяга суяниб, ёнбошлаб ётишни ёмон кўрар, ўтирганда соатлаб тиззалаб ўтирарди. Қомати ёшига нисбатан анча тик эди. Соч-соқоли вақтида оқариб, юзига нур бағишлаган...

Ҳа, айтгандай, биз томонларда соч-соқолнинг ўз вақтида оқармаслигини айб санашиб, ирим қилишади. Ҳатто, мўйсафидлик даври бошлангандан сўнг соч-соқоли оқариши кечиккан одамларга мошкичири пишириб едиришади.

Отам яхши қариди. Бировларга ўхшаб, ёмон қаримади, ўзини қуртуядай ҳар нарсага урадиган хилидан бўлмади. Оқсоқол бўлди.

Ҳа, айтгандай, аввалдан отамнинг бургут қараши бор эди. Мўйсафидлигида ҳам бу қараш шиддатини йўқотмади. Унинг бургут қараши учиб келаётган пашшани уриб қайтариб, олдига йўлатмасди. Тоғлиқ одам-да, ўзиям тоғдай эди.

Отам етмиш саккиз ёшида отдан тушди. Бир майдонда кўрпа-тўшак қилди. Эртаси беш ўғил, уч қизни, беш келин, уч куёвни, оғалари ва эгачиларини чақиртирди.

Вазмин, мамнун гурунглар берди. Кечга бориб, яна ўғилларни чақирди. Топшириқ бор экан.

«Бизнинг сафаримиз қариди, — деди отам икки қават такяга орқа суяб. — Эртан пайшанбани охирлатиб, жуманинг олдига чиқсак керак. Энангиз чақираяпти. Душанба кеча тушимга кирди. Эшик орани меҳмонларимиз учун тайёрланг. Олис-яқиндан эшитган билганларимиз бор, уруғ-аймоқ, хеш-ақрабо бизни йўқлаб келишади. Иззатини қилинг. Йиғинганимни катта келинга бериб қўйибман. Харжланг. Қолганига ҳиммат ўзингизники. Кўчамизга бурилишдаги кўприкни тузатинглар деб кўп айтдим, қилмадинглар. Энди келдикетди, меҳмонлар кўп бўлади, ўтар-кетарида уриниб қолишадими дейман-да.

Мулла Турди жанозамни ўқимасин. Мулла бўлгунча кўп саёқ юрган, қилмаган иши қолмаган. Ишониб бўлмайди унга. Мулла Фазлиддин маъқул.

Қизил Олмада Хўжамберди деган бир чол бор. Қайтиш қилганимни эшитса, фотиҳага келади. Айтинглар, мен уни кечирдим. Қанча кечириш бўлса, шунча кечирдим. Ўттиз олти йил бурун... Ў бир қирчиллама йигитнинг умри ўтибди-я, ўттиз олти йил бурун орамиздан оғир бир гап ўтган. Шундан бери мендан қочиб, уялиб юради. Хўжамберди элга бегона бўлиб кетди. Мен кетсам у қайтар.

Энди сизлардан бир қаттиқ сўровим бор.

Бу ишни эртага куннинг қайтишигача бажарасизлар. Шу тоғимизда мен билган учта булоқ бор. Бирови «Олтинтуёқ»да, бирови «Кесиктош»да, бирови «Каклик учди»да. Мен кучқувватим борида ҳаммангизни бу булоқларга қайта-қайта олиб борганман. Йўлларни яхши биласизлар. Шу уч булоқдан менга сув келтирасизлар. Болалигимдан шу булоқларнинг сувини ичиб катта бўлганман. Отам дунёга тўймаяпти деб ўйламанглар. Менинг шу булоқларга меҳрим тушган. Кетар чоғимда уч булоқнинг ҳам сувидан бир тўяй дедим-да. Фақат сувни кўзаларда келтиринглар. Сув кўзада ўзгармай келади. Хўроз қичқиргандан сўнг йўлга тушинглар».

Отам айтадиганини айтди. Катта акамиз Олтин туёққа, кенжамиз Каклик учдига, мен Кесиктошга борадиган бўлдик. Саҳар мардонда учковимиз уч машинада учта булоқ томон кетдик.

Буюрилганидай, намозшомдан сўнг уч акаука уч тарафдан бир соат орасидаги фарқ билан навбатма-навбат отамнинг ҳузурига кириб келдик. Йўл учковимизни ҳам ҳоритиб қуйган эди. Бунинг устига куннинг иссиғи юзларимизни салқи торттирган. Отам бизни гўё олис сафардан қайтган жигарларини кўргандай ҳаяжонланиб кутиб олди. Биз хазина топиб қайтгандик. Уч кўза тўла хазина. Уч кўза тўла дуру жавоҳир...

Отам катта акамиз Олтин туёғдаги Чўмич булоқдан келтирган бир пиёла сувни эҳтиёткорлик билан қўлига олди. Ҳа, жуда эҳтиёткорлик билан... агар бир томчиси ерга тўкилса увол-а, увол. Бир томчисига бир қошиқ қонингни алмаштирсанг арзийди-ку. Сўнг отам пиёладаги сувга узоқ тикилиб қолди. Сувни гул ҳидлагандай ҳидлади.

Ким билади дейсиз, балки у пиёладаги сувда болалигини, ўсмирлиги, ёшлигини кўргандай бўлгандир. Балки, шу лаҳзаларда Чўмич булоқнинг бўйида ўтириб, тоғлари, далалари, эли, ўтмиши билан хайрлашаётгандир.

Отам пиёладаги сувни кўзларини юмиб, шошмасдан симирди. У худди шу лаҳзаларда сув эмас, балки ҳаётни симираётган эди. Шундай катта ҳаёт битта пиёлада чайқалиб турарди. Ниҳоят, у сувни ичиб бўлгач, бир майдон ўйланиб қолди-да, сўнг бутун дунёга муҳим бир сирни ошкор қилаётгандай хитоб қилди: «Олтин туёқ... Чўмич булоқ... Болалигимнинг суви бу. Отам мени елкасида кўтариб, биринчи марта шу булоққа олиб борган. Тоғларимизнинг энг ширин сути бу».

Навбат мен келтирган кўзадаги хазинага келди.

Кесиктошдаги Кийик булоқдан келтирган сув билан пиёла лим-лим тўлдирилди. Отам ўз-ўзига гапиргандай: «Одамнинг юраги, бир пиёлага жой бўлса керак», деб қўйди. Бу гапдан сўнг беихтиёр от юрагининг ҳажми ҳақида ўйлаб қолдим. Балки, бунга сабаб, кўриб-кечирган элдошларим отам ҳақида «Унда отнинг юраги бор», деб сўйлаганларида бўлса керак. «Отнинг юраги бир косага ҳам жой бўлмайди», деб ўйладим.

Отам пиёладаги сувга узоқ термулиб қолди.

Унинг кўзларидан милт-милт ёш келганлигини кўрдим. У ич-ичидан йиғларди. Кийик булоқ энди отамнинг ичидан тошиб келаётган эди. Унинг кўзлари қирғоғида Кийик булоқ қайнаётганда сачраган шаффоф томчилар каби дурларни кўрдим.

Отам бу пиёладаги сувни ҳам охиригача сипқорди. Лекин Чўмич булоқнинг сувини ичгандагидай узоқ симирмади. Бир кўтаришда пиёладаги сувни қуритди. У бир кўтаришда ўз қалбини ичиб қўйганди. Бир пиёла ҳаётни узоқ симириш мумкин, лекин бир пиёла юракни бир қултум май тезлигида ичиш керак, йўқса, вужуд уни кўтаролмайди.

Отам энди аввалгидай хитоб қилиб эмас, балки тантанасиз, ўз-ўзига шивирлагандай деди: «Кесиктош қоялари... Кийик булоқ... Ёшлигимнинг сирлари шу булоқ сувларига чўктирилган. Тоғларимизнинг бу сутидан ҳаяжоннинг таъми келади...».

Учинчи пиёла Каклик учди дараларидаги Тангри булоқдан келтирилган сув билан тўлдирилганда отам бир оҳ тортди. Энди ошини ошаб, ёшини яшаган, умрнинг турли манзилларида гоҳ маглублик, гоҳ ғолиблики кўриб-кечирган, бировнинг кўнглини оғритиб, яна бировнинг кўнглини яратган, гоҳо худо учун, гоҳо ўзи учун, гоҳо одамлар учун яшаган бу мўйсафид энди том маънода ўз-ўзи билан юзма-юз келаётганди. Учинчи пиёлада отамнинг ўзи бўлиши керак эди. Бу пиёла унинг ўзи билан лиммо-лим тўлдирилиши керак эди.

Отам кўзларини юмиб олди, узоқ хаёлга толди. Энди унга бу кўзларнинг зарурлиги йўқ... Энди унинг бутун вужуди кўз эди.

У учинчи пиёладаги сувни кўзларини юмган ҳолатда сипқорди. Отам пиёлани ерга қўйди. Кўзлари катта-катта очилди. Сўнг оғриниб бўшашди. Афсусланиб уҳ тортди.

Отам кенжамизга вазмин нигоҳ ташлаб, қуйинди:

«Мен бу тоғларнинг ҳар бир гиёҳини, ҳар битта тошини танийман. Мен майсадан майсани, одамдан одамни фарқлагандай фарқлай оламан. Шундайлар отангни Кийик булоқ сувининг таъми билан Тангри булоқ суви таъмини ажратолмайди деб ўйладингми.

Сен Каклик учдига бормагансан... эрингансан... Сен Кесиктошдан қайтибсан. Учинчи кўзадаги сув ҳам Кийик булоқнинг суви, сен ҳамма булоқнинг суви бир хил сув деб ўйлагансан.

Аттанг... Минг аттанг. Мени армонда қолдирдинг, болам. Болам...»

Отам шу кеча омонатини эгасига топширди. Менинг отдан тушмаган отам саксонни қоралаб қайтиш қилди. Мўйсафидлар етмиш саккиз ёшида давра кўтарган отамнинг ёшини саксон деб улғайтдилар. Отамнинг оқ-қизил йиртишидан умидвор бўлган яхши ниятли одамлар йиртишга эришдилар. Маросимларни адо этиб, эл олдидан ўтдик.

Кенжамиз бизнинг қошимизда ўзини уятли сезиб юрди. Маломат қилмасак-да, ҳеч кўнгли тинчимади. У бирдан улғайди. Қиш билан баҳор талашиб турган паллада, тоғ йўлларидан музгалак чекинмаган паллада ҳай-ҳайлашимизга қарамай у бир кўзани олиб, мошинага ўтириб Каклик учди томонга кетди. Кечга яқин кенжамиз бир кўза хазина билан қайтди. Эртаси у отамиз қабри бошига бир туп чинор кўчатини қадади ва бу кўчатни ўзи Тангри булоқдан келтирган бир кўза сув билан сувлади. Кўчат отамиз ерига илдиз отди.

Кўнгил таскин топмаса қийин экан. Отамизнинг йили ўтгач, кенжамиз келинчагини олдида, ҳоййо-ҳуйт, деб Каклик учди томонларга кўчиб кетди. У тез-орада Тангри булоқ атрофидан ўзига робот солди.

У ҳалиям ҳар гал қишлоққа келганида Тангри булоқдан бир кўза сув олиб келади. Кенжамиз бу сувни отамиз қабри бошида гуркираб ўсаётган чинорга беради.

«МИЛЛИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИ»

Тошкент, «Маънавият», 1999

«Турон» вилоят илмий-универсал кутубхонасида нашрга тайёрланган библиографик кўрсаткич шундай деб аталади.

Маълумки, бугунги кунда «Ўзбекистон овози» номи остида чиқиб турган газета 1918—1926-йилларда «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон» номлари остида нашр этилган. Мазкур библиографик кўрсаткич шу газеталарнинг 1921—1926-йиллар сонларида босилган асосий мақолаларнинг библиографиясини ўз ичига олган. Кўрсаткич муаллифларининг диққат марказида шу йилларда Ўзбекистондаги илмий-маданий ҳаётнинг барча соҳалари бўйича эълон қилинган мақолалар библиографиясини яратиш масаласи турган. Айни пайтда улар Ўзбекистон географияси, халқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, миллий сиёсат, «босмачилик ҳаракати» сингари ўнлаб рукнларда марказлаштирилган рўйхатларда муайян қимматга эга бўлган мақолаларнинг библиографиясини ҳам берганлар.

Доимий ҳамроҳ

Китобхон ушбу библиографик кўрсаткичдан Мунаввар қори, Шокиржон Раҳимий, Элбек, Фитрат, Чўлпон, Зиё Саид сингари машҳур муаллифлар билан бирга номлари бугунги авлодга номаълум булган, аммо миллий журналистикамиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган талайгина кишиларнинг мақолалари ҳақидаги маълумотларни ҳам топиши мумкин. Масалан, Чўлпоннинг Ғози Юнус билан бирга «Қуллик қиламиз», Х. Р. исмли муаллимнинг «Уйғониш» газетаси» ёхуд И. исмли театршуноснинг «Олтинхон қизи Зуҳра» пьесаси» каби мақолаларни эълон қилганидан хабар топадилар.

«Қизил Ўзбекистон» газетасида 1921—1926-йилларда босилган асосий мақолалар библиографиясининг нашр этилиши фан ва маданиятнинг турли соҳаларида тадқиқот ишларини олиб бораётган аспирантлар, тарихчи, файласуф, адабиётшунос, тилшунос олимлар учун, айниқса, катта совғадир.

Дарвоқе, бугун, кундуз соат 2 да «Турон» кутубхонасида ушбу библиографиянинг тақдимот маросими ўтказилади.

ЭКРАНДА – ИТАЛИЯ

Италия киноси бир асрдан зиёд тарихга эга. 1905 йили италиялик киноижодкорлар «Римнинг забт этилиши» филми орқали илк бор дунёга танилдилар. Шундан буён миллионлаб кино мухлислари турли жанр ва услубларда яратилган италия филмларидан баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Тарихий драма, комедия, мелодрама, мусиқали филмлар билан бир қаторда, италиялик киночилар неореализм жанрида асарлар яратиб, кинодаги бу йўналишга асос солдилар. Неореализм жанрига мансуб филмлар оддий халқ ҳаётини ҳеч қандай бўёқларсиз, рўй-рост очиб беради. Висконти, Де Сика, Заваттини, Лидзани, Камерини сингари италия режиссёрлари айнан шундай филмлар орқали шуҳрат қозондилар. Бугунги кунда Феллини, Антониони, Де Сантис, Дамиани, Рози, Пазолини сингари режиссёрларни, Софи Лорен, Марчелло Мастрояни, Жина Лолобрижита, Клаудия Кардинале, Моника Витти, Орнелла Мути каби актёрларни қай биримиз билмаймиз, ижросидан завқланмаймиз.

Жаҳон киноси

Куни кеча Тошкентда ана шу юртга бағишланган кино санъатининг энг сара асарлари намойиш этилди. Алишер Навоий номидаги Санъат саройида ўтган мазкур тадбир очилишида Италиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Иоланда Брунетти хоним, элчихонанинг маданий ишлар бўйича атташеси Адриана Санталини ҳамда «Ўзбеккино» ДАК раиси муовинлари Маматқул Ҳазратқулов, Исамат Эргашев иштирок этишди.

Бундай анжуман Тошкентда учинчи маротаба ўтказилди. Бу сафар томошабинларимиз эътиборига ёш италия киноижодкорларидан режиссёр Жанни Амелионинг «Болалар ўғриси», Марко Ризининг «Озодликдаги йигитлар» ва «Сўнгги янги йил» филмлари ҳавола этилди.

«Мазкур филмлар Италия киносининг замонавий йўналишларини белгилайди, — дейди Иоланда Брунетти хоним, — сизнинг томошабинларингиз учун бу киноасарлар ҳақиқий кашфиёт бўлади, деб умид билдирамиз. Бу филмларда Италия ёшларининг ҳаёти, ижтимоий муаммолар, ижодкорларнинг ҳаётга ҳаққоний муносабати ифода этилган. Киноҳафталик Тошкентда ташкил этилган «Экспо-Италия-99» кўргазмаси доирасида ўтказилди».

«Болалар ўғриси» филми Канн Халқаро кинофестивалининг бош совринига сазовор бўлганди. Филм режиссёри Жанни Амелио «Очиқ эшиклар» (1990 й.) ва «Болалар ўғриси» (1991 й.) филмлари билан Ғарб неореалистик киносининг янги босқичини очиб берди.

Фестивал дастуридаги яна бир филм режиссёр Марко Ризи ижодига мансуб. Марко Ризи таниқли Италия кинорежиссёри Дино Ризининг ўғли. У ижодини 1981 йили бошлади ва кино санъатининг янги, агрессив реализм оқимига асос солди. «Озодликдаги болалар» филмининг бош қаҳрамонлари балоғатга етмаган, қамоқ жазосини ўтаб, озодликка чиққан ўсмир-ёшлардир.

Бу режиссёрнинг 1998 йили яратилган «Сўнгги янги йил» филмида оддий инсонлар ўртасидаги муносабатлар, бугунги Рим шаҳридаги ижтимоий аҳвол ҳақида ҳикоя қилинади.

«Италия филмлари фестивали» бугунги Италия кинематографиясидаги ижодий жараёнлар, янги оқимлар, янги номлар билан томошабинларимизни таништирди. Ғарб киносининг ўзига хос хусусиятлари, Италияда вужудга келган неореализм жанрининг янги босқичларини намоён этди.

Феруза НОДИРОВА

ШОХДОР САМОЛЁТ

Ҳазрати инсон куйчиси устоз Раҳмат Файзийни эслаб

Тавба, самолётнинг ҳам шохи бўладими, сигирмиди, эчкими ё қўчқормиди у? Етти ухлаб тушингга ҳам кирмайдиган гапни қаёқдан ўйлаб топдийкин, дерсиз. Дарвоқе, худди шунақа самолётда каминанинг шахсан ўзи учганлигини айтсам, ишонасизми?

Бу воқеа 1972 йилнинг айнан июн ойида бўлган эди. Олтой ўлкасида ўтказиладиган Адабиёт кунлари байрамига Ўзбекистондан тўрт ёзувчи — Раҳмат Файзий, Борис Пармузин, Эгам Раҳим ва мен таклиф қилинганмиз. Самолётимиз Барнаул шаҳрига қўниши билан, қаршимиздаги улкан бино пештоқига осиғлиқ «Олтой ўлкасига хуш келибсиз, ҳазрати инсон!» деб йирик ҳарфлар билан ёзилган шиорга кўзимиз тушади. Беихтиёр ичдан тўлқинланиб кетамиз. Дарров Раҳмат акага қараймиз. Чунки бу сўзлар айнан у кишининг ўзигагина қарата ёзилгандай туйилганди бизларга. Дарҳақиқат, ўша пайтлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий сценарияси асосида суратга олинган «Сен етим эмассан» кинофилми, ундан кейин дунёга келган «Ҳазрати инсон» романи китобхонларда катта қизиқиш уйғотган, шунингдек, кўп миллатли она диёримиздан ташқари яқин қардош республикалар газеталари саҳифаларида ҳам қайта-қайта мақолалар чоп этилиб, асар соҳибининг номи шарафланаётган эди. Қайноқ ҳаёт оқимининг ўзидан ҳаётий материаллар тўплаб, қалб қўрида пишиб бунёд этилган мазкур роман ўзбек адабиётининг улкан ютуғи сифатида таъкидланар эди. Китоб ҳалол меҳнат аҳли ҳақидаги энг яхши асарлар учун ўтказилган кўрик-танловда юқори баҳоланиб, биринчи даражали мукофотлардан бирига сазовор бўлган, «Дружба народов» журнали, айни пайтда, «Роман-газета»да ҳам босилган, қўлдан-қўлга ўтиб ўқилаётган эди. Шунинг учун мазкур Адабиёт байрамининг қатнашчиларидан тортиб, аксари ёшқари китобхонлар қўлида ҳам шу «Роман-газета» нусхаларини кўплаб учратардик.

Бизларни Олтойнинг гавжум шаҳарлари, қишлоқ ва чўллари, ишлаб чиқариш корхоналарида уюштирилган адабий учрашувларга жалб этишар, қачон ва қаерда шундай тадбир ўтказилмасин Раҳмат акани алоҳида эъзоз ва эҳтиром билан кутиб олишар, маърузачилар ҳам энг аввал, «Ҳазрати инсон»нинг қанчалик маҳорат билан ёзилганлигидан гап бошлардилар.

Олтойликларнинг миллий урф-одатлари, қисман тилларида, ҳатто жойларнинг номларида ҳам бизга яқинлик бор экан. Масалан, Олтой сўзи — олти ой, Барнаул — бор овул маъносини берар экан. Бийск шаҳри-бой шаҳар маъносини англатаркан. (Бизда ҳам айрим лаҳжаларда аёллар эрини бийим, бойим, деб аташади-ку?) Бийск дарёси билан Хатун дарёси ёнма-ён оқиб, маълум манзилга етганда бирлашиб, Об дарёси (яъни, Сув, Ҳаёт маъносини берувчи)га айланади. Ўрмонлар билан қуршалган катта сув маскани Ойдин кўл деб аталади. Ўлканинг ҳосилдор чўл зоналаридан бири эса Бўрибосар, яна бири Қулинди, яъни Қулунлади, деб юритилади. Худди ана шу Қулунди тумани китобхонлари билан учрашувда ҳам Раҳмат ака улоқни олиб кетди. Мажлис аҳли муаллифдан бирон парча ўқиб беришини талаб қилиб қолдилар. Бироқ бадиий ўқишни маромига келтириб ижро этиш учун ифода бўлмайлик ўзаро баҳс, суҳбатларда мазкур асар таърифи мунтазам қулоқларимизга чалиниб турди. Машаққат тоғини қазишдай мураккаб меҳнатдан сўнг муродига эришган муаллифнинг ўзи ҳам ижодий ҳосили она ватанидан олис юрт мухлислари ўртасида шунчалик шов-шувга сабаб бўлишини тасаввур ҳам қилмаган бўлса керак. Дарвоқе, Раҳмат ака биргина шу китоби билан бутун ўзбек адабиётининг донғи таралишига улкан ҳисса қўша олди, дея янглишилмаган эди ўшанда.

Тангри инсонни энг олий мавжудот қилиб яратган экан, унинг эъзозини ўрнига қўймоқ ҳар бандасининг муқаддас бурчидир. Ана шу бурчни адо этмоқни Оллоҳнинг ўзи Раҳмат Файзийга ҳам насиб этган эди. Бундан миннатдор бўлган олтойликлар ўз юртларини бир умр адибга эслатиб турадиган бирор қимматбаҳо совға орқали мамнунликларини изҳор этишга аҳд қиладилар. Бироқ нимани? Бу ҳақда кўп ўйлашади. Миллий ақидаларига кўра она буғу уларда илоҳий саналади. Шунинг учун азиз меҳмонга Олтой ўрмонларида буғулар тўдасига узоқ йиллар сардорлик қилиб, охири кексайиб оламдан ўтган улкан буғунинг каттакон шохини тақдим этишни маъқул топадилар. Бироқ зил-замбилдай, бош чаноғидан ажралмаган ва чор тарафга тарвақайлаб ўсган катта шохни самолётга қабул қилишадими-йўқми? Буни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган экан. Бордию, шох самолёт эшигидан сиққан чоғда ҳам ичкарида ўтирганларга ноқулайлик туғдириши мумкинлигини билмабмиз асло. Самолётни бошқарувчи ходимлар худди шуни важ қилиб, мазкур «дахмазани» ташлаб кетишни маслаҳат беришди.

— Ҳеч иложи йўқми? — дея сўрашади юракдан ачинганлар Раҳмат акага бўлишиб.

— Фақат юкхонага қабул қилиш мумкин.

Аммо самолёт ердан кўтарилиши, қўниши жараёнида уриниш-суринишлар сабаб, унга зиён-заҳмат етмаслигига кафиллик бериша олмади.

Меҳмонларни кузатишга чиққан ўлка раҳбарлари орага тушишга мажбур бўлишди.

— Шунча олис юртлардан келган табаррук сўз санъаткорларига муносиб мурувват кўрсатмаслик одобдан эмас! — деб уқдиришди улар.

Шундан кейин астойдил ўйлаб, бирон чора-тадбир топишга киришдилар. Самолёт экипажи жойлашадиган салоннинг шундоққина тепасида эҳтиёт туйнуги бўлиб, ундан бирон тасодифий ҳолат содир бўлгандагина фойдаланилар экан. Табаррук меҳмонлар ҳурмати унинг қопқоғи очилди. Шох унга жойлаштирилиб, мустаҳкамланди. Шунда ҳам бош чаноқ ичкарида қолди, тарвақайлаган шохнинг асосий қисми эса очиқ ҳавода мағрур қад ёйиб туради.

— Кучли шамол хуружига бардош бера оларминкин? — дея хавотирланишади йўловчилар.

— Ўн километр баландликка кўтарилиб олсак бас, — дейишди экипаж аъзолари, — ундан у ёғига жин ҳам урмайди.

Хайрият, шунисига ҳам шукур...

Самолёт тўла йўловчилар қатори биз билан Адабиёт байрамига қатнашган қирғизистонлик, тожикистонлик, қорақалпоғистонлик атоқли адиблар ҳам бўлиб, уларнинг бари ичларида шохнинг тақдиридан хавотирланаётган бўлсалар ҳам ҳазил-ҳузул гапларга эрк бериб, ўзаро гурунгни қизитиш билан овунч топаётганга ўхшардилар.

— Шохдор самолётда биринчи бор учишим, — дея гап қотади улардан бири, — уйимга борганда бола-чақамга шундай деб мақтансам, ишонишмайди.

Унга бошқаси маслаҳат берган бўлади:

— Ғам ема, иним, ишонишмаса, Раҳмат оғамни етаклаб бориб, шохини кўрсатасан.

— Тўғри, — дея жавоб қилади Раҳмат ака ҳам бўш келмай, — ҳамманг менинг шохим соясида жон асраб, аранг уйингга етиб келганингга гувоҳлик бераман!

Олтой ўлкаси бўйлаб қилинган сафар кунлари улар бир-бирлари билан иноқлашиб, қадрдонлашиб кетишган, ўзаро енгил-елпи гап отишиб, салдан салга кулишиб, чақчақлашишар, бу ўз навбатида дўстона даврага муттасил кўтаринки руҳ бахш этарди, пайровнамо гапларни қизитиш билан бутун самолёт ичини хуш кайфиятга тўлдириб боришарди. Ҳеч кутилмаганда улардан бирининг шоирлиги ҳам тутиб қолади:

— Олтой кезиб, етилибмиз алқордайин,
Раҳматжоннинг шохи чиқди чинордайин...

Бошқаси давом этади:

— Олтой кезиб, тоғларида алқор кўрдим,
Раҳматжонни чинор янглиқ шоҳдор кўрдим...

Барча баробар қаҳ-қаҳ уради. Стюардесса қиз салондаги қувноқ вазиятга қўшимча қилган бўлади:

— Муҳтарам йўловчилар, сиз учаётган шохдор самолётимиз ўн километр баландликка кўтарилди!..

Ҳамма қарсак чалади. Самолёт қаншарига ўрнатилган шохга энди жин ҳам урмаслиги аниқ. Хотиржам учавериш мумкин.

Ана шундай ҳазил-ҳузул билан вақтнинг қанчалик тез ўтгани, Тошкентга етиб келганимизни сезмай қолдик. Ҳамманинг кўзи бизнинг самолётда...

Раҳмат ака ўша куни шохни бир амаллаб хонадонига етказиб келади-да, катта уйига киравершдаги айвон устунига осиб кўяди. Ҳали ҳамон ўша улкан буғу шохи ўзгача салобат тўкиб, шинам ҳовли узра алоҳида файз бағишлаб тургандай. Қачонки йўлим тушиб, устознинг муборак хонадонига кириб борсам, ўша хотира шохга кўзим тушар-тушмас узоқ Олтой ўлкасига биргаликда қилган сайри саёҳатимиз, ажойиб ва ғаройиб воқеалар, дилхуш ҳангомаларни эслайман. Айни пайтда Раҳмат аканинг ўзи ҳам катта уй эшигидан пешвоз чиқиб келаётгандай, ҳовлида куйманиб юрадиган маҳаллари киядиган қордай оппоқ узун яктакда пешайвон зинасида қўл қовуштирганча «Хуш келибсан, укагинам, қайси шамол учирди?» дея жилмайиб тургандай бўлаверади...

Иншооллоҳ, охиратлари обод бўлғай!

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ

«ЕНГИЛ ЖАНР»НИНГ ОҒИР МУАММОЛАРИ»НИ ЎҚИБ

Акс-садо

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг шу йил 2 июл сонида босилган Р. Юнусовнинг «Енгил жанр»нинг оғир муаммолари» мақоласида эстрада санъатининг долзарб масалалари тилга олинган. Ҳақиқатан ҳам телевидение ва радиодаги эстрада қўшиқчилиги тарғиботи кўнгилдагидек эмас. Мазмун жиҳатидан савияси паст, ўртамиёна қўшиқлар, ижро даражаси юқори бўлмаган, айниқса, овози пардада турмайдиган ижрочиларнинг эфирга берилиши кишининг ихлосини қайтаради. Бундан ташқари, ўша қўшиқларнинг қайси бири эстрада қўшиғию, қайси бири эстраданамолигини ажратиш қийин. Чунки уч-тўртта электр чолғу асбоблари жўрлигида маълум қўшиқларни фақат қуповозли қилиб, ўзгартириб айтилгани билан эстрада қўшиғи бўлиб қолмайди. Қайта ишланган халқ қўшиқларида эса

Дарё тошқин сувлар тўлқин
Ўта олмаймано...

сўзларидан сўнг «ўта олмайман-о», «ета олмайман-о», «бора олмайман-о» каби сўзлар ғашга тегадиган даражада, қирқ мартадан ортиқ такрорланади. Ёки: «Қўшиғим сўзи, узугим кўзи» ашуласида «узугим кўзи» сўзининг ўзи 26 марта такрорланади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бир неча бор матбуотда ва оммавий ахборот воситаларида баъзи эстрада хонандаларининг ёки гуруҳларнинг тақлидчилиги ёхуд машҳур хорижий кинофилмлар, хонандалар қўшиқларига тўғридан-тўғри ўзбекча сўз қўйиб аслига қараганда ёмон ижро этишлари ва бу «ижод» ўғирлик самараси эканлиги танқид қилинаётганига қарамасдан улар жаранглашда давом этмоқда.

Эстрада қўшиқлари фақатгина енгил-елпи, кўнгил очар асарлар тарзида бўлиб қолмасдан, ватанни, кишиларимиз ҳаётини куйловчи, меҳру вафо, севги-муҳаббатни тараннум этувчи мавзуларни қамраб олиши зарур.

Ҳозирги даврга келиб ўзбек миллий эстрадасининг йирик намояндалари ўз ижодларида жаҳон рақс мусиқасидан кириб келган танго, рок-н-рол ва кенг тарқалган диско услубига мурожаат қилаётганликлари кузатилмоқда. Бундай янгиликка интилишнинг туб негизлари халқ ижодиётига ва миллий мусиқага асосланган бўлиши керак. Аввало, бундай ижод намуналари элимиз орасида эътибор қозонмоги даркор. Бунинг учун радио ва телевидениеда уларни саралаб тарғиб қилиш зарур. Саралаш учун эса ушбу соҳани яхши биладиган мутахассислар кенгаши тузилиб, уларнинг таркиби ҳар йили ўзгартирилиб, холис, адолатли, таъмагирликка берилмайдиган, профессионал кадрлар билан тўлдирилиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Телевидениедаги шоу дастурлар қанча миллийликка хос, сифатли ва кўп бўлса, шунча яхши. Шу билан бирга, Телерадиокомпания тарғиботнинг фақат моддий томонини ҳисобга олиш билан чекланиб қолмасдан, барча эстрада кўрик-танловларнинг вилоят, Республика ва Халқаро турлари голибларини кўпроқ элга танитса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Қолаверса, «Садо-99» профессионал эстрада хонандалари танловида иштирок этаётган ижрочиларнинг чиқишларини баҳолашга янада холислик билан ёндошилса, қатнашувчилар сони кўпаярди. Шунингдек, эстрада ижрочилигининг мусиқа ва санъат, ўқув юртлари ўқувчи ва талабалари ўртасида профессионал танловлар ва бошқа соҳа ўқувчи, талаба ёшлар ўртасида кўрик-фестиваллар ташкил қилинса, ушбу соҳанинг мутахассислари тезроқ етишиб чиқарди.

Президентимизнинг 1996 йил 31 декабрдаги «Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида»ги Фармонининг 2-чи бандидаги: «ўқув юртларини сифатли чолғу-асбоблари ва зарур замонавий техник воситалар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўриш» вазифаси муваффақиятли бажарилмоқда. (Бу борада Молия вазирлиги ва Маданият ишлари вазирлиги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур). Натижада вазирлик тасарруфидаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ўрта махсус санъат билим юртлари, махсус мусиқа мактаб-интернатлари ва олий ўқув юртлари замон талабларига жавоб берадиган мусиқа чолғулари билан қисман таъминландилар . Аммо, бизнингча, мазкур фармоннинг тўлиқ бажарилишини ва тақсимланган чолғу асбоблари белгиланган аниқ манзилларга етиб боришини назорат қилиш зарур. Шунингдек, ўқув юртларида чолғулардан ва овоз кучайтирувчи мосламалардан самарали фойдалана оладиган ўқитувчи кадрлар етишмовчилиги ўз ечимини кутаётган асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Эстрада ижрочилиги оммавий санъат тури бўлганлигидан ҳамиша кенг жамоатчиликнинг эътиборида туради. Унинг муаммолари масаласида давра суҳбатлари, мунозарали чиқишлар ва мақолалар эълон қилинмоқда. Булар шинавандалар ва мутахассисларнинг ушбу соҳага қуйинаётганликларидан далолат беради ва ўз самарасини кўрсатади, деб ўйлаймиз.

Ботир МАТЁҚУБОВ

«ШЧ»хабари

БЎЛАЖАК КИТОБ ҲИДИ

«Кўнгил кўчалари» видеофилмининг муаллифи, газетамизнинг доимий ҳамкори Машраб Бобоевнинг яна бир доимий ҳамкоримиз, адабиёт газетасининг собиқ ва содиқ ходими Нусрат Раҳматга «Ёзувчи» газетаси орқали ёзган иккинчи мактубидан англашиладики, бугун Самарқандда яшаб ижод қилаётган адибимизнинг янги романлари ҳам «Буни ҳаёт дейдилар» деб номланибди. Аммо, биздаги энг сўнгги маълумотларга қараганда, Нусрат ака ҳозир бошқа бир роман устида жиддий тер тўкмоқда эканлар, янги китобга ҳозирданоқ «Буни асал дейдилар» деб сарлавҳа қўйибдилар.

Албатта, сарлавҳа бўлганидан кейин қўлёзма ҳам бўлади, қўлёзма бўлганидан кейин у ўқилади, таҳрир қилинади, қисқаради, қўшимча боблар билан тўлдирилади ва босмахонага топширилади. Вақти-соати келиб янги китоб магазин пештахталарида пайдо бўлади. Ана ўшанда адабиёт газетасида тақриз эълон қилинади. Шундайми, Машраб ака?

Шундай деб турганимизда «Шум бола»нинг хаёлига бир гап келиб қолди. Қўлёзма қачон босмахонага берилади, қачон терилади, қачон босилиб чиқади, деб кутиб ўтирамизми? Куз ҳам оёқлаб қолди, яхши асал, кечирасизлар, асар бўлса, қўлёзма ҳолидаёқ ўқийверсак бўлмасмикин? Ҳар ҳолда деҳқончилик-ку... Нима дедингиз, ака Нусратилло?

Шумбола

Китобингизни ўқидим!

Ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошнинг «Сунбуланинг илк шанбаси» қиссаси («Ёзувчи», 1998) муҳаббат мавзуида. Мавзу қадимий, аммо ҳеч бир замонда эскирмайдиган, адабиётнинг абадий мавзуларидан.

«СУНБУЛАНИНГ ИЛК ШАНБАСИ»

Ёзувчи асар қаҳрамонининг содда, самимий йигит эканлигини ўқувчига таъсирчан тарзда етказа билади. Айрим асарлардагидай бу сентиментал қисса қаҳрамони чўл-у биёбонларни ортда қолдириб, ҳайратомуз ишлар қилиб, йўл юрса ҳам мўл юриб, шаҳарга келиб қолганлардан эмас. «Буни қаранг-а Аптиқайим ака (у менинг исмимни сира тўғри талаффуз қила олмасди), буни қаранг-а!» Ана шу биргина гапнинг ўзиёқ йигитнинг кимлиги, феъл-атвори қанақалиги тўғрисида аниқ тасаввур беради.

Йигит ҳаётни яхши кўради, ҳаммани ўзидан деб билади, олифталик унга бегона. Унинг ўзи очиб олган «ўз қўриқ»и бор. «Жинни экан-ку бу!» демоқчи бўлаётганларга эътибор қилмайди. Хуллас, беозор йигитнинг қалби ишқ-муҳаббатга тўла. У бўлар-бўлмасга ичидагини сиртига чиқаравермайди. У борлиғи, умид-орзулари билан шанба кунига, айниқса, «сунбуланинг илк шанбаси»га талпинади. «Шу, ака, шанба куни ишламаслигимиз зўр-да» дейди у кўзлари чақнаб...»

Ҳаётда нималар бўлмайди. Бир-бирини инкор этувчи ва айни пайтда тасдиқловчи воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кет келиши ҳам табиий. Йигитга қийин: қалб дардига устак жисмоний дард уни тушакка михлайди. Касалхонадан қочиб бўлса-да, шанба — кунга висолга етиш илинжидаги ҳаракатлари зое кетади. «Сал ғалатироқмией», деб шифокорлар унга «жонкуяр»лик қилишади: беморни каравотга боғлаб қўйишади. Шу боис у шанба кунлари белгиланган жойга бора олмайди: «Айтинг, Аптиқайим ака, агар жавоб беришмаса мен... мен ўлиб қоламан...», дейди.

Ёзувчи йигитнинг қизга бўлган севгиси, уларнинг бир-бирларига муҳаббатлари ўта шарм-ҳаёли, бокира эканини ишонарли ва таъсирчан кўрсата олган. Ориятни баланд тутган ошиқ энг яқин кишисига айланиб қолган қадрдонига ҳам қизнинг исмини айтолмайди. Қизнинг шарм-ҳаёси, ибоси, латофати гўё унинг исмига яширинган. Йигит қизнинг кимлигини айтса, маъшуқасини фош этиб қўядигандай, ўртадаги нозик ибо пардасини кўтариб қўядигандай қўрқади.

Йигит ўзи учун яратгувчи томонидан бериладиган неъматларни олиб бўлганди. У шаҳарга шон-шуҳрат излаб келмаган эди. У ўзи каби яратилган иккинчи бир жонни излаганди. Уни топди. Лекин...

«... Мен илдам юриб бориб жувоннинг шундай ёнгинасида туриб олдим. У бошини кўтариб кўтариб, жилла ёш тўла кўзларини менга тикди. У ҳаммасини тушунганди... Чидай олмадим. Нигоҳимни ерга тикиб, бўғилиб шивирладим. «Бандалик экан».

Энди қиссадан олинган яна бир парчага эътибор қилинг:

«Аччиқ-чучук иссиқ-совуқ сомсаларни пуфлаб-пуфлаб чайнаймиз.

— Йигитни дарвиш десак, қиз ҳам ундан қолишмаган-а! Кўр-кўрни қоронғуда топади-да!

— Олинг, ока, иссиқ-иссиқ сомсала-дан!»

Ачинарли ҳол. Баъзан сомсапаздек фикр юритамиз. Ён-атрофимиздаги чинакам севги қисматига бепарво, лоқайд қараймиз, ҳатто чиндан севишганлар устидан куламиз.

Ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошнинг ушбу «Сунбуланинг илк шанбаси» қиссаси қоринни эмас, қалб очлигини тўлдирувчи неъмат, дегим келади. Бир ёниб ўчган юракларга малҳам бўлгувчи қиссадан ҳисса шуки, олмос каби ноёб муҳаббат ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ

БИЛСАНГИЗ, ЭНГ ОСОН ИШ...

Обуна-2000

Агар сиз Америка Қўшма Штатларига саёҳат қилишни ихтиёр қилсангиз, бунинг учун самолётда камида 12 соат учишингиз керак.

Агар сиз бу ҳам бир йигитлик-да, дея Париж санамлари суҳбатини олмоқчи бўлсангиз, йўлнинг ўзига салкам саккиз соат вақтингиз кетади.

Агар сиз Қашқадарёнинг машҳур Чиял бозорида яхна гўштига бир тўймоқчи бўлсангиз, эҳ-ҳо, бу иш ҳам осон битмайди. Аввало машинаси яп-янги бирорта дўстингизни ҳамроҳликка кўндиришингиз керак, Чиноздa, Жиззахқандда тўхни ҳам, қо-«заправка» қилиб, манзилга етиб боргунча кеч киради.

Бордию эрта-азондаёқ хонимингиз қўлини белига тиргак қилиб «Ҳой, беғамхўжа, ётаверасизми, жумракдан сув оқиб ётибди, қўшнимизнинг томини ивитиб қўймайлик яна, слесар-плесар чақиринг» деб қолса. ЖЭКка бориб бирорта сархуш бўлиб улгурмаган «слесар-плесар»ни топгунингизгача, у то ашқол-дашқолини кўтариб уйингизга келгунига қанча вақт ўтадию...

Агар сиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига обуна бўлмоқчи бўлсангиз, бунга ҳеч қанча вақт кетмайди. Самолётга чипта сотиб ҳам олмайсиз, Чиялга бориб келайлик, деб ўртоғингизга ялинмайсиз ҳам. Шундоққина уйингиз ёнидаги матбуот тарқатиш дўконига кирсангиз ёки почтальонга мурожаат этсангиз бас. Ҳеч қанақа ташвишсиз обуна бўласиз-қўясиз.

Бунақа қулайлик яна қаерда бор?!

1-бет

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SANATI
1990 йил
Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48
Назм-наср бўлими: 136-56-50
Ижтимоий бўлим: 136-55-78

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди 01.00

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0813. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—8840.